Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 14 февраль
ЧОРШАНБА
№ 38 (4.832).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленуми маъқуллаган лойиҳа

ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ САРИ

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури)

Партия мамлакатни қайта қуришга даъват қилган пайтдан буён ўтган вақт шу йўлни текшириш ва синаш даври бўлди. Жамиятнинг маънавий ва сиёсий эркинликка чиққанлиги ўтиш даврининг асосий якуни бўлди. Озодлик, демократиялаш ва ошкоралик муҳитида одамлар гражданлик ва миллий қадр-қимматларига эга бўлиб қолдилар, давлат ишларини ўз қўлларига олмоқдалар.

Бепоён мамлакат, қарийб 300 миллион халқ турмушидаги чинакам буюк бурилиш осон ва енгил бўлмаслигини билар эдик.

Ҳа, қайта қуриш давомида бир талай чигалликлар бўлди. Ўн йиллар давомида иқтисодиёт, ижтимоий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, жамиятнинг маънавий турмушида йиғилиб қолган муаммолар қалқиб юзага чиқди. Бунинг устига муаммоларнинг ўткирлиги, зарур ўзгартишларнинг миқёслари аввалбошда тахмин қилиш мумкин бўлганидан анча каттароқ бўлиб чиқди. Бунга ислоҳотларнинг ўзини амалга ошириш давомида йўл қўйилган хато ва янглишишлар ҳам қўшилди.

Ҳақиқий аҳвол мана шундай. Шу йиллар давомида орттирилган ҳам ижобий, ҳам салбий тажриба комил ишонч билан қуйидагиларни айтиш имконини беради: қайта қуришдан бошқа оқилона йўл йўқ. Бу — гарчи қийин, машаққатли бўлса ҳам, аммо одамларнинг муносабат турмушини таъминлаб бериш, буюк Ватанимизнинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун тўғри йўлдир. Модомики шундай экан, бу йўлдан изчиллик билан дадил боравериш, жамиятимизни орқага қайтариш ёки уни граждан мухолифлигига судраш истагида бўлган кишиларга қарши курашиш керак.

Бошланган ўзгартишларнинг суръатлари, ўткир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишни жадаллаштириш — ҳозирги энг муҳим масаладир. Биз шундай маррага етиб келдикки, энди аввалги хўжалик юритиш ва бошқариш системаси кўп жиҳатдан иш бермай қўйди, янги механизмлар эса ҳали тўла куч билан ишлай бошлагани йўқ. Мана шу ўтиш ҳолати давомида беқарорлик кўринишлари, бошқарувнинг заифлашуви содир бўлмоқда, одамларнинг онгида беҳаловатлик юзага келмоқда. Агар бу ҳолат чўзилиб кетса, халқ учун таҳликали салбий оқибатларга айланиши мумкин. Бунинг иложи битта — қатъият билан ҳаракат қилиш, белгиланган ислоҳотларни зўр ғайрат билан амалга ошириш керак.

Таклиф этилаётган ҳаракат дастури съездда тасдиқланганидан кейин партиянинг янги Программаси ишлаб чиқилгунча коммунистлар ишининг принципиал асоси, ўтиш даври шароитидаги сиёсий йўл-йўриқлар системаси бўлиб қолади, деб мўлжалланган.

I. Қайта қуришнинг моҳияти нима, нималардан қатъиян воз кечиш ва партиянинг ғоявий-сиёсий тажрибасида нималарни сақлаб қолиш керак

Биз аввало, социалистик принципларга мувофиқ келмайдиган авторитар-бюрократик системадан воз кечамиз. Бизнинг олий мақсадимиз — инсоний, демократик социализмдир.

Революцион ўзгартишлар йўлига кирар эканмиз, шу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатимизга халақит берадиган ўтмиш кишанларини абадул-абад улоқтириб ташлашимиз зарур.

Маркс, Энгельс, Лениннинг материалистик дунёқараши ва диалектик методологияси ижодий руҳига садоқатни тасдиқлаб, унга амал қилиб, биз мафкуравий занжирларни, ақидапарастликни ҳамда бошқача фикрлар ва ғояларга тоқат қилмасликни қатъиян улоқтириб ташлаймиз.

Биз ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг позицияларида қолаверамиз ва шу билан бирга умумхалқ ва умуминсоният қадриятларига қарама-қарши қўйиладиган жўн синфий ёндашувдан воз кечамиз.

Биз ижтимоий турмушнинг ёппасига давлат қўлига олинганидан, ўзбошимчаликка ва қонунсизликка олиб борган, ҳокимиятни жазосиз суиистеъмол қилиш ва номуносиб имтиёзлардан фойдаланиш имконини берган ҳамма тартиблардан воз кечамиз.

Социалистик мулкчиликка ибтидоий қарашдан ва товар-пул муносабатларини писанд қилмасликдан, инсоннинг бегоналашувини келтириб чиқарувчи, унинг ўз имкониятлари ва табиий қобилиятларини рўёбга чиқаришга имкон бермайдиган бошқариш ва хўжалик юритишнинг ҳар қандай шакллари ва усулларидан воз кечамиз.

Табиатга тўхтовсиз эксплуатация қилиш объекти деб қарашдан иборат бўлган ва дастлабки индустрлаштириш давридан сарқит бўлиб қолган муносабатни рад этамиз.

Халқларнинг маданий-тарихий қадриятларига, мамлакатнинг орттирилган ақлий сармоясига ҳурматсизликни қоралаймиз.

Меҳнаткашларнинг бошқа партияларига, шу жумладан мамлакатлар ва халқларнинг илғор тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган социал-демократик партияларга нисбатан салбий ақидапарастликдан иборат сийқа фикрларни рад этамиз.

Биз мамлакатларнинг объектив равишда кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ҳамда танлаш эркинлигини сақлаб қоладиган турли жамиятлар ўзаро алоқа қиладиган яхлит дунёсининг қарор топиши янги даврнинг туб белгиси эканлигига асосланиб иш тутамиз.

КПСС ўтмишимиздаги сталинчилик келтириб чиқарган, социалистик қоидалар оёқости қилинишининг оқибати бўлган ҳамда партия билан халқнинг ўз мамлакати ва бутун инсоният тараққиётига реал ҳиссаси тимсоли бўлган нарсаларни бир-биридан аниқ фарқ қилишни принципиал жиҳатдан муҳим, деб ҳисоблайди.

Ўтмишни кўкларга кўтариб мақташ, тарихимизнинг фожиали жиҳатлари тўғрисидаги тўла ва аччиқ ҳақиқатни билишни истамаслик ҳам, тарихий меросимиздаги чинакамига буюк ва қимматли бўлган ҳамма нарсаларни йўққа чиқариш йўлидаги уринишлар ҳам бир хилда хатарлидир. Совет кишилари меҳнати ва курашининг узвий алоқасини узиш ярамайди.

Олий мақсадсиз социалистик тараққиётга эришиб бўлмайди. Одамлар ўз тарихини унутса ёки менсимай қўйса, олий мақсад ўз навбатида амалий заминдан маҳрум бўлади. Бизнинг шароитимизда халқ сиҳат-саломатлиги ва ҳаётий қобилиятининг белгилари бўлмиш тарихий онг, Ватанга муҳаббат, ватанпарварликни байналмилалчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳатто биздан бир неча ўн йил кейинги келажак қиёфасини аниқ-равшан, батафсил тасвирлаб бўлмайди. Бир нарса равшан: бу келажак демократия шароитида, қудратли маданий ва илмий-техникавий тараққиёт негизида вужудга келадиган, мамлакатимиз халқларининг ва бутун башариятнинг инсонпарварлик қадриятларига асосланадиган бошқача жамият бўлади. Цивилизация билан табиатнинг яхлитлигини англайдиган, инсон — тарихнинг асл мақсадига айланган жамият бўлади. Келгуси ижтимоий ташкилотнинг бу белгилари халқларнинг ижтимоий озодлик йўлидаги меҳнати ва курашида мужассамлашган илк социалистик ғоянинг моҳиятини ифодалайди.

Социалистик йўлга ва Октябрь ғояларига садоқат биз учун ўзгармасдир: ҳокимият — Советларга, фабрикалар — ишчиларга, ер — деҳқонларга берилсин, халқларга тинчлик, миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилсин. Кекса авлодларнинг маънавий кучи ва жасорати, уларнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги фидокорлиги, уларнинг бениҳоя шафқатсиз синовлар даврида берган қурбонлари порлоқ хотираси бизга ҳамдам бўлади.

Ижтимоий адолат ғояси бизга ҳамдамдир. Бу ғоя ўн миллионлаб кишиларни тарихий забунликдан кўтарди ва уларни давлатимизни жаҳондаги қудратли давлатга айлантирган ишларга руҳлантирди. Советлар мамлакати инсониятни фашизм қуллигидан халос этишда ҳал қилувчи роль ўйнади, кўпгина халқларнинг миллий озодлик йўлидаги курашида уларга мадад берди, жаҳон фани, техникаси, маданиятига беназир, ноёб ҳисса қўшди.

Меҳнат қилиш, пенсия билан таъминланиш, бепул илм олиш ва соғлиқни сақлаш, Советлар диёрида биринчи бор юзага чиққан бошқа ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи ҳар қандай маърифатли жамиятнинг мулки бўлиб қолди. Буни унутиш — ҳақиқатга, социалистик олий мақсадга жўшқин интилишда улуғвор қаҳрамонлик ва фидойилик қилган кишиларга ҳурматсизлик бўлур эди.

Қайта қуриш тафаккури ва ахлоқининг таянч нуқталари мана шулардан иборат.

II. Инсон — партия сиёсатининг марказида

Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг асосий мақсади деб билади. Жамият тараққиёти айни шу жиҳатлар билан белгилаб берилиши керак.

КПСС гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинишининг ҳуқуқий кафолатлари тезроқ вужудга келтирилиши тарафдоридир. Шахсий эркинликни энг асосий ҳаётий қадрият деб тан олиш ва гражданларнинг ҳуқуқлари бутун мажмуини таъминлаш сари кескин бурилиш қилиш — қайта қуришнинг энг муҳим ғалабасидир. Эндиликда ана шу ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, уларни пухта моддий, ҳуқуқий ва сиёсий пойдеворга кўчириш зарур.

Партия қуйидагиларни ҳимоя қилаверади:

— **гражданнинг шахси ва қадр-қиммати** қонун билан ишончли ҳимоя қилинишини, унинг уй-жойи ва мол-мулки даҳлсизлигини, ёзишмалар ва телефон орқали гаплашишнинг сирлигини;

— **меҳнат қилиш ҳуқуқи**, жумладан меҳнатнинг миқдори ва сифатига, унинг пировард натижасига мувофиқ равишда ҳақ тўлашни таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш; иш билан банд бўлишни, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни сақлаб туриш воситаларини вужудга келтириш, касбини ёки иш жойини ўзгартиришга мажбур бўлган кишиларга зарур моддий мадад бериш;

— **гражданларнинг сиёсий ҳуқуқларини**: жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларини, сўз, матбуот, митинглар ва намойишлар ўтказиш, жамоат ташкилотларига бирлашиш эркинлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш. Бунда ҳуқуқ-тартиботга, совет қонунлари талабларига қатъий риоя этилиши керак;

— **ижод қилиш эркинлиги** ва истеъдодга миллий қадрият деб муносабатда бўлиш. Партия маданият соҳасида хилма-хилликни бутун чоралар билан рағбатлантириб, шу билан бир вақтда инсонпарварлик мезонларини ҳимоя қилади, жамиятни сохта маданиятдан муҳофаза этади. Маданиятга фойда олиш мақсадларини кўзлаб ёндашиш социализм учун мақбул эмас;

— инсоннинг маънавий соҳада ўз ўрнини эркин белгилаб олиши, **виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги**. Партия ўзининг дунёқараш позицияларидан воз кечмаган ҳолда атеистлар ва динга ишонувчилар ўртасидаги мулоқотни чуқурлаштираверади, барча динлар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ўз ҳиссасини қўшиб, қонунлар доирасида эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладиган йўлни ўтказаверади;

— гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда **суднинг** ролини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчи жамоатчилик-давлат комиссияларини тузиш.

КПСС матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, виждон эркинлиги ҳамда диний бирлашмалар ҳақидаги, гражданларнинг ижтимоий уюшмалари тўғрисидаги, СССРдан чиқиб кетиш ва СССРга келиш тартиби ҳақидаги, СССР гражданлиги тўғрисидаги, СССР халқларининг тиллари ҳақидаги **қонунлар** ҳамда гражданларнинг сиёсий ва шахсий ҳуқуқларини таъминлаши лозим бўлган бошқа қонун ҳужжатлари тез вақт ичида қабул қилинишига жуда катта аҳамият беради.

Партия **совет кишиларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари** мустаҳкамланиши ва ривожланишига, уларнинг фаровонлиги ошиб боришига эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилаверади. Партия ўзининг бу соҳадаги куч-ғайратларини қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратади:

— аҳолининг кўпайишини ва одамларнинг кўчишини тартибга солишни таъминлайдиган умумдавлат **нуфус сиёсатини** ишлаб чиқиш ва уни қонун билан тасдиқлаш;

— КПСС XXVII съезди олға сурган ва 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлаш мақсадини қўйган **уй-жой программасини** амалга ошириш. Бу эса давлат, корхоналар, кооперативлар маблағлари, аҳолининг жамғармалари, имтиёзли қарзлар ҳисобидан уй-жой қурилиши суръатларини ошириш ва сифатини анча яхшилашни; квартираларнинг тақсимланиши устидан жамоат назоратини кучайтиришни шаҳарлар ва қишлоқларни комплекс ривожлантиришни, уларнинг меъморчилиги инсон манфаатларига бўйсундирилишини талаб қилади;

— соғлиқни сақлашга маблағ ажратишни анча кўпайтириш ҳамда корхоналар, тармоқлар, республикалар, маҳаллий Советлар ресурсларини ана шу мақсадга мумкин қадар тўлароқ сафарбар этиб **медицина хизматини** такомиллаштириш йўли билан сиҳат-саломатликнинг муҳофаза қилиниши ҳуқуқини таъминлаш;

— **яшаш табиий муҳитини** сақлаб қолиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш кафолатларини кучайтириш; мамлакатнинг, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг узоқ муддатга мўлжалланган давлат экология программаларини, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш; табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланувчи идоралар тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш;

— **таълим, маориф ва маданиятнинг** барча соҳаларини ривожлантириш, ана шу мақсадга маблағ сарфлашни кўпайтириш; мутахассисларга таълим бериш ва уларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш; ўқитувчининг обрўсини ошириш; ғоялар ва истеъдодлар беллашувини рағбатлантириш, маънавий соҳадаги маъмуриятчиликни ҳамда гуруҳлар манфаатлари устунлигини бартараф этиш; маданий ва маънавий меросни, тарихий обидаларни авайлаб асраш; маориф ва маданиятни ривожлантириш манфаатлари йўлидаги турли жамоат ташаббусларини ва хайрияларни қўллаб-қувватлаш; чет мамлакатлар билан маънавий қадриятларни кенг ва эркин айирбошлаш.

Қайта қуриш стратегияси жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишда қудратли омил бўлган **фаннинг ролини ҳамда фан натижаларини ўзлаштиришнинг ролини** чуқур тушуниб етишга асосланган мамлакатнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш ва бу имкониятлардан фойдаланиш мустаҳкам қонуний негизга таяниши лозим. Интеллектуал мулкни самарали муҳофаза қилишни таъминлаш муҳимдир. Партия олий ўқув юртлари, академия ва тармоқ илмий муассасалари мустақил ва уларнинг тузилиши хилма-хил бўлиши тарафдоридир.

Аҳолининг биринчи навбатда ёрдамга ва жамият мададига муҳтож бўлган ижтимоий табақалари ва гуруҳлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш КПССнинг иқтисодий сиёсатида алоҳида ўрин тутади.

КПСС қуйидагиларни амалга ошириш учун курашаверади.

— **хотин-қизларнинг** меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга доир катта тадбирларни амалга ошириш, жумладан уларга қисқартирилган иш куни, ўзларига қулай график асосида ишлаш ҳуқуқини бериш, ҳомиладорлик отпускаси даврини ва болага қараш учун бериладиган отпуска даврини, кўп болали ва ёлғиз оналарга корхоналар ҳисобидан ҳақ тўланадиган отпуска даврини кўпайтириш; отпуска ва даволаниш учун пул дотацияларини берилишини белгилаб қўйиш; хотин-қизлар учун сифатли моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни устун даражада ривожлантириш; уларни оғир ва саломатлик учун зарарли ишлардан озод қилиб қўйиш. Партия сиёсий ислоҳот доирасида хотин-қизлар раҳбарлик ишларига тағин ҳам кенгроқ жалб этилишига эришаверади;

— **болалар тўғрисидаги** ғамхўрликни қатъиян яхшилаш, болалар муассасалари қурилиш ва уларнинг иши сифатини яхшилашга, болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга маблағ ажратишни кўпайтириш; болалар ўлимини камайтириш чораларини сира кечиктирмай амалга ошириш;

— ёшларга доир самарали сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, **ёш авлоднинг** қобилиятларини рўёбга чиқариш ҳамда эҳтиёжларини қондириш учун кенг имкониятлар яратиш, жамиятнинг сиёсий, хўжалик ва маданий турмушида ёш авлод тенг ҳуқуқли асосда иштирок этишига кўмаклашиш; ёшлар ҳаракатини, комсомолни, студентлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни янгиланиш, уларнинг ташаббусларини, тобора кучайиб бораётган мустақилликка интилишларини қўллаб-қувватлаш;

— **ногиронлар, уруш ва меҳнат ветеранлари** аҳволини яхшилаш; СССР гражданларининг пенсия таъминоти тўғрисида янги қонунни қабул қилиш ҳамда яқин беш йилликда барча ногиронлар ҳамда уруш ва меҳнат ветеранларини, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини алоҳида квартира билан таъминлашга доир махсус программани ишлаб чиқиш; ветеранлар ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда уларнинг ўзига хос эҳтиёжларига мўлжалланган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларни бажариш; нарх-навонинг кўтарилишига қараб пенсиялар ва нафақаларни ошириб бориш; пенсия миқдоридан қатъи назар иш ҳақини тўла олиш ҳуқуқини бериш.

Гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари уларнинг гражданлик бурчлари билан узвий боғлиқлигига коммунистлар аминдирлар. Партия жамиятда меҳнатга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга ҳурмат, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёр туришни қарор топтириш, ҳалоллик ва номуслилик, эзгулик ва меҳр-шафқат, ўзини ахлоқий назорат қилиб бориш ва виждонлилик, инсон қадр-қиммати ва ўз йўлини танлаб олиш эркинлиги каби умумбашарий қадриятларнинг ҳуқуқий ва маънавий кафолатларини вужудга келтириш йўлида қатъият билан ишлайверади.

КПСС ҳар қандай ғайриқонуний афзалликлар ва имтиёзларга қаршидир, бу ишда тўла ошкоралик тарафдоридир. Коммунист деган ном ёки раҳбарнинг лавозими неъматлардан фойдаланишда ҳеч қандай имтиёз бермайди. Хизмат мавқеини суиистеъмол қилишни таг-томири билан тугатиш лозим.

III. Самарали планли-бозор иқтисодиёти учун

Партия мамлакатдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштириш мақсадида барча даражалардаги қонун чиқарувчи ва ижроия органлари самарали ишини йўлга қўйишни сира пайсалга солиб бўлмайдиган вазифа деб билади. КПСС Министрлар Совети ишлаб чиққан ва СССР халқ депутатлари Съезди маъқуллаган истеъмол бозорини барқарорлаштириш ва аввало мавжуд пул ва уни мол билан таъминлаш ўртасидаги узилишни бартараф этиш тадбирлари системасини амалга оширишга ёрдам беради. Кўрилаётган тадбирлар аниқ-равшан ижтимоий йўналишда бўлиши, биринчи навбатда аҳолининг кам ҳақ олаётган табақалари иқтисодий аҳволини яхшилаши зарур.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ниҳоятда ўткир муаммо бўлиб турибди. КПСС гўшт, сут, сабзавот, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни жадал ўстириш манфаатларини назарда тутиб экономика аграр секторини устун ривожлантириш тарафдоридир.

Ерда хўжалик юритишнинг барча шаклларини ривожлантириш озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг негизи бўлиши керак, давлат, кооператив хўжаликлар ва якка хўжаликлар, хўжалик юритишнинг турли шакллари — пудрат, ижара, оила шакллари ва бошқа шакллар бир хил имкониятларга эга бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг, маҳсулотни қайта ишлаш ва асрашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бу маҳсулотнинг даладан пештахтага келгунича нес-нобуд бўлишини камайтириш энг муҳим йўналиш бўлиб қолаверади.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида ижтимоий мувозанатни вужудга келтириш — қайта қуришнинг принципиал вазифаларидан биридир. Қишлоқ аҳолисини шинам уй-жой билан таъминлаш, замонавий турмушни йўлга қўйиш, йўллар қуриш учун қисқа муддат ичида янги имкониятлар барпо этилиши керак.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бундан буён ҳам диққат марказимизда бўлади. КПСС бозорни тўлдиришда силжишга эришишга имкон берадиган тадбирлар мажмуасини амалга оширишга ёрдам бераверади.

Партия молияни соғломлаштиришга қаратилган самарали сиёсат, шу жумладан омонат кассаларга жамғарма қўйишни бериладиган фойдани кўпайтириш йўли билан рағбатлантириш, суғурта ишларини ривожлантириш, фойдали шартларда давлат заёмлари облигацияларини тарқатиш, уй-жойни сотиш, келажакда узоқ вақт фойдаланиладиган буюмларни сотиб олиш эвазига аҳолининг аванс тўловлари, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишга оид тадбирларни ўтказиш тарафдоридир. Янада мукаммал иқтисодий воситалар ва нормативлар талаб этиладики, булар асосланмаган даромадларнинг пайдо бўлишига, тегишли мол билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқишига ҳалал бериши керак.

КПСС ҳозирги ва келгусидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни **туб иқтисодий ислоҳот** билан чамбарчас боғлиқдир, деб ҳисоблайди, шу ислоҳот туфайли монополизм ва ташаббуссизлик, беҳуда сарф-харажат ва хўжасизлик, истеъмолчиларнинг манфаатини унутиш хос бўлган буйруқ билан тақсимлаш системаси ўрнига мулкнинг турли-туман шакллари, молларни мустақил тайёрловчиларнинг мусобақасига, молиянинг ривожланган системасига, шахсий ва коллектив манфаатдорликнинг қудратли омилига асосланган планли-бозор экономикаси келиши керак.

Иқтисодий ислоҳотнинг йўли биз илгари ўйлаганга нисбатан анча машаққатли бўлиб чиқди. Аммо биз хўжалик юритишнинг мамлакатни турғунликка, жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан орқада қолишга олиб келган, ўзини бадном этган шаклларига қайтишга йўл қўймасликка қатъий азму қарор қилганмиз.

Мулкчилик муносабатларини тубдан қайта қурмасак, иқтисодий ислоҳот рўёбга чиқмайди. КПСС мулк шаклларининг хилма-хиллиги тарафдоридир. Шу шаклларнинг тенг ҳуқуқли, соғлом рақобати — гражданлар эрки, ходимлар ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш шакл ва усулларини ҳақиқатда танлаб олишининг иқтисодий асоси, истеъмолчилар манфаатлари ва ҳуқуқларининг кафолатидир.

Давлат мулкини ишлаб чиқариш миқёслари регионларнинг ўзига хос жиҳатлари, интеграция алоқаларининг ривожланганини ҳисобга олиб, ижара, тўла хўжалик ҳисоби, пудрат негизида, акционерлик шакллари ва бошқа замонавий шакллар асосида меҳнаткашларнинг ўзлари демократик йўсинда бошқарадиган мулкка айлантириш муҳим вазифадир.

Партия соғлом негизда кооператив ҳаракатини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериш, ишлаб чиқариш кооперациясини, жумладан колхозларни мустаҳкамлаш, меҳнат коллективи мулкчилиги турли шакллари, шу жумладан улушбай, бадалли, акционерлик шаклидаги мулкчилик фаолият майдонини кенгайтириш тарафдоридир.

КПСС якка тартибдаги меҳнат мулкчилиги, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларига якка тартибдаги меҳнат мулкчилиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичига зид эмас, деб ҳисоблайди.

Мулкнинг турли шаклларидан фойдаланиш ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштиришни ва кишининг-киши томонидан эксплуатация қилинишини истисно этиши керак.

Хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг **планли ва бозор усулларини** узвий тарзда бирга қўшиб олиб бориш йўлини топиш иқтисодий ислоҳотнинг энг мураккаб муаммосидир.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига марказлаштирилган йўсинда планли таъсир этиш бўлмаса, ана шундай ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам бўлмайди. Хўжалик юритишнинг ана шу ўз моҳияти жиҳатидан социалистик принципи кўпгина мамлакатларда татбиқ этилди. Аммо ана шундай таъсирнинг аниқ мезони ва усулларини белгилаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўтмишда ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг бутун жараёнини план билан қамраб олишга ҳаракат қилган эдилар, эндиликда бундан фарқли тарзда шундай тартиб ўрнатиш керакки, экономикага планли, марказлаштирилган раҳбарлик асосан нарх, солиқ, процент, кредит, тўловлар ва бошқа шу сингарилар орқали амалга оширилсин ва бундай раҳбарлик соҳаси стратегик вазифаларни ҳал этиш билан қатъий белгилаб қўйилиши лозим. Бу, аввало, йирик илмий-техникавий ва структура программаларини амалга ошириш, инфраструктурани ривожлантириш, инсон яшайдиган муҳитни муҳофаза этиш ва ресурсларни тиклаш учун ўтказиладиган комплекс тадбирлар, солиқ ва кредит-молия сиёсати, пул муомаласи барқарорлигини таъминлашдир. Одамларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилишига алоқадор масалалар ҳам марказлаштирилган йўсинда тартибга солинишини тақозо этади.

КПСС шунга асосланадики, мамлакатга тўлақонли ва тартибга солиб туриладиган ягона Иттифоқ бозори зарур, бу бозор ишлаб чиқариш имкониятлари ва эҳтиёжлари мувозанатини, тўловга қодир талаб ва таклифнинг барқарор мувозанатини таъминлаш ва сақлаб туришнинг ҳамиша ишлаб турадиган механизми бўлиши лозим. Бу совет иқтисодиётини жаҳон хўжалик алоқаларига жалб этиш, сўмнинг эркин муомалада бўлишига ўтишнинг шарти ҳамдир.

Тўкис бозор хўжалигини ташкил этиш учун истеъмол моллари, ишлаб чиқариш воситалари, қимматбаҳо қоғозлар, инвестициялар, валюталар, илмий ечимларнинг бозорини вужудга келтириш, молия, пул, кредит системалари ислоҳотини жадаллаштириш керак.

Нарх белгилашни қайта қуриш — иқтисодиётни бозор йўли билан тартибга солишни жорий этишнинг зарур шартидир. Нарх даражалари ва нисбатликларини сунъий тарзда яратиш, баъзилар учун самарасиз дотациялар бериш ва бошқаларни хонавайрон қилиб маблағларни олиб қўйиш юки хўжалик юритиш учун сохта йўналиш беради, хўжалик юритишнинг самарадорлигига баҳо беришни чалкаштиради, илмий-техникавий қолоқлик ўзгармай қолаверади, халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан фойдаланишга халал беради.

Чет эл фирмаларини ҳам истисно этмаган ҳолда, мол ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати нарх кўтарилишини тартибга солиб турадиган ва тўхтатадиган муҳим омил бўлиши керак. Бунинг учун ишлаб чиқариш, савдо, кредит хизмати ва суғурта ишига монополияни қонун йўли билан тугатиш керак.

Партия **иқтисодиётни структура жиҳатидан истеъмол сектори фойдасига қайта қуриш,** самарали ва кўп маблағ талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни қисқартириш чораларини кўриш, куч ва маблағларни мавжуд корхоналарни реконструкция қилишга жамлаш тарафдоридир. Табиатдан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежаш, хом ашё ва материалларни, меҳнат сарфини тежаш программаларини амалга оширишга, хўжасизликка қарши курашга диққат-эътиборни кучайтириш керак. Структура жиҳатдан қайта қуриш жараёнига экономиканинг мудофаа тармоқлари конверсияси узвий тарзда қўшилиши керак.

(Давоми иккинчи бетда).

ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ САРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

шу тармоқларнинг юксак малака ва илмий-техникавий потенциалига таяниб ишлаб чиқаришнинг замонавий воситалари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш мумкин. Айни вақтда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун ресурслар бўлишини назарда тутиш керак, шундай қилинмаса иқтисодий тараққиёт муқаррар тўхтаб қолади.

Партия иқтисодий, экологик ва ижтимоий самарадорликни ҳисобга олиб, **фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга**, унинг ютуқларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тезроқ жорий этишга қаратилган куч-ғайратларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни, уларнинг қудратли равнақ топиши учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаш давлатнинг муҳим юмушидир. Илм-фанни ташкил этиш ва билимларни оммалаштиришнинг турли шаклларига кенг майдон очиб бериш зарур.

Табиатни муҳофаза этиш — одамни муҳофаза этиш демакдир. XX асрнинг охирида табиатни қутқариб қолиш, Ер юзида ҳаётни асраб қолишнинг муқаррар шартларидан бирига айланди. Биз мамлакатимизда жаҳон стандартларини жорий этишимиз, халқаро экологик ҳамкорликда фаол иштирок этишимиз зарур. Табиатни муҳофаза этиш тадбирларини писанд қилмай, мамлакатни саноатлаштиришнинг барқ уриб ўсиши экологик фалокатнинг жуда оғир ўчоқлари пайдо бўлишига олиб келди. Аҳволни ўнглаб олиш учун шошилинч чоралар ва катта маблағлар зарур. Партия янги корхоналарни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда қатъий илмий экспертиза ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тартибини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш зарур деб ҳисоблайди.

Шу билан бир қаторда мамлакат учун ҳаётий зарур бўлган ва буларсиз одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлмай қоладиган корхоналарни ёпиш тўғрисида талаблар қўйиб саросимага тушиш ҳам номақбулдир. Замонавий илмий-техникавий тараққиёт ва саноат тараққиётисиз, буларга зид тарзда экологик муаммоларни ҳам ҳал этиб бўлмайди, табиатни асраб бўлмайди.

Мамлакатнинг **халқаро меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперациясидаги** иштирокини кенгайтириш иқтисодиётни самарали ривожлантиришнинг сўзсиз шартидир. Совет моллари ва хизматларининг рақобатга қобилиятини ошириш, корхоналарнинг ташқи иқтисодий мустақиллиги, жумладан, валюта мустақиллигини изчиллик билан мустаҳкамлаш, экспортнинг хом ашё йўналишига барҳам бериш, импорт структурасини қайта қуриш — бунинг ишончли йўлидир.

КПСС ана шу тилга олинган барча тадбирларнинг амалга оширилиши тарафдори бўлиш билан бир қаторда меҳнат аҳли манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилаверади. Яширин экономика, порага сотилган унсурлар, чайқовчилар, монополияга янги даъвогарлар йўлига ишончли ҳуқуқий ғов ўрнатиш учун курашаверади.

IV. Кенг кўламдаги социалистик демократия ва халқнинг ўзини ўзи бошқариши сари

Демократиялаш — қайта қуришнинг мақсади ва воситасидир. Бутун янгиланиш жараёни муваффақиятга эришишнинг ғоят муҳим шарти ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг кафолати ҳуқуқий давлатни ҳамда ўзини ўзи бошқарувчи социалистик жамиятни шакллантиришдан иборатдир.

Партиянинг сиёсати бирдан-бир ҳокимият манбаи бўлган халқнинг суверен иродасини тан олишга асосланади. Умумхалқ ҳуқуқий давлати қандай бўлмасин бирон синфнинг диктатурасини, айниқса бошқарувчи бюрократиянинг ҳокимиятини истисно этади ва у барча гражданларнинг давлат ишларида қатнашишига ҳамда ҳар қандай лавозимларни эгаллашига имконият таъминлаб берадиган Советлар Республикасидир.

Бизда авторитар системадан демократик система сари муҳим қадамлар ташланди, янги қоидалар ва ёндашувлар асосида ҳокимиятнинг олий органлари тузилди. Энди барча давлат органлари структурасини қайта қуришни, ҳокимиятни Советларга топширишни ва совет федерациясини тубдан ўзгартиришни охирига етказиш керак.

Сайлов системаси. Уни умумий тенг тўғри сайлов ҳуқуқи принципларига батамом мувофиқлаштириш керак. Биз сайлов жамиятдаги барча қатламларнинг вакиллари, шахслар ҳамда партия, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, айрим номзодлар сайловчилар муҳокамасига олиб чиқадиган ғоялар ҳалол мусобақалашадиган майдон бўлишига тарафдормиз. Партия депутатлар корпусида, давлат органларида ишчи ва деҳқонларнинг, хотин-қизлар, ёшларнинг, ветеранларнинг ва жамиятдаги сиёсий ҳаётга етарлича жалб қилинмаган ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлган бошқа қатламлар ва гуруҳларнинг муносиб вакиллигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Демократия ва сиёсий фикрлар хилма-хиллиги. Жамиятимизни демократиялаш даврида гражданларнинг янги ижтимоий-сиёсий уюшмалари вужудга келмоқда. Жамиятнинг ривожланиши партиялар тузилиши мумкинлигини ҳам истисно этмайди. Уларни тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади ва СССР Конституциясида тегишли суратда акс эттирилади. Шу билан бирга зўравонликни, миллатлараро адоватни тарғиб қиладиган, Конституцияга қарши, экстремистлик мақсадларини кўзлайдиган ташкилот ва ҳаракатларни тузиш ҳамда уларнинг фаолияти қонун билан тақиқлаб қўйилмоғи керак.

КПСС монополияни даъво қилмайди ва социалистик жамиятни янгилашни ёқлаб чиқаётганларнинг ҳаммаси билан сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорлик қилишга тайёр. Принципиал маънода бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборатки, жамиятнинг демократиялашув даражаси, давлат ва жамоат муассасаларини тузиш ва улар ишининг демократик характери, гражданларнинг сиёсатга тортилиши, қайта қуриш жараёнининг оғишмай ривожланиб бориши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳозир КПСС — жамиятни демократиялашга ҳар томонлама ёрдам бериб, айни вақтда улкан ранг-баранг мамлакат кўламида жипслаштирувчи роль ўйнаётган ҳақиқий сиёсий кучдир.

Халқ депутатлари Советлари. Олдимизда турган даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири шундан иборатки, Советлар халқ иродасини изчиллик билан ифода этадиган ҳамда давлатни бошқариш воситаларини ўз қўлларида жамлайдиган ҳақиқатан ҳам тўла ҳокимиятли органларга айланмоқда. Бунинг учун улар тегишли ҳуқуқларга, иқтисодий мустақилликка эга бўлишлари ва кучли, билимдон депутатлар корпусига таянишлари керак.

Сиёсий ислоҳот чуқурлашиб борган ва бошқариш марказдан жойларга кўчирилган сари КПСС ўзини-ўзи бошқарувчи жамоаларнинг қарор топиши ва ривожланишига ёрдам беради. Бу нарса юқори органларга ўзларининг ҳозирги кўпгина оператив-хўжалик вазифаларидан халос бўлишларига, иттифоқдош республикалар, регионлар, бутун мамлакат кўламида комплекс вазифаларни ҳал қилишга эътиборни қаратишларига имкон беради.

Давлат ҳокимияти. КПСС ҳокимият вазифаларини — қонун чиқариш, ижро этиш ва суд вазифаларини бир-биридан ажратиш бошқарувнинг самарадорлиги учун муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди. Ленин сўзлари билан айтганда, биз совет системасининг афзалликларини парламентаризм ютуқлари билан боғлашимиз керак. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Бироқ, қайта қуриш тажрибаси давлат органларининг масъулияти ва ҳуқуқ доираларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш зарурлигини тақозо этмоқда.

СССР халқ депутатлари Съезди ва Олий Совети пировардида ҳал қилувчи роль ўйнагани ҳолда қайта қуриш сиёсатини рўёбга чиқаришнинг қабул қилинган қонунларни бажаришнинг ишончли ва самарали механизми зарур. Янги олий ҳокимият органларининг иш тажрибаси ҳозирча бундай механизм шаклланиш босқичида турганлигини кўрсатмоқда. Жамиятда СССР халқ депутатлари Съезди олдида масъул бўлган ҳамда зарур ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат бошлиғи — президент лавозимини таъсис этиш масаласи борган сари қатъият билан қўйилмоқда. Буни мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қайта қуришга янада жўшқинлик бахш этиш ва унинг орқага қайтмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш, қонунийликни ва гражданларнинг хавфсизлигини, демократиялаш жараёнида барча давлат ва жамоат муассасаларининг нормал ва самарали ишлашини таъминлаш, СССР манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз номидан вакиллик қилиш эҳтиёжлари талаб қилмоқда.

СССР Министрлар Советининг мавқеини ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш зарур.

СССР Олий Советининг аъзолари ва ҳукумат аъзолари бўлган коммунистлар янада қатъият ва масъулият билан иш олиб бориб, мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий тангликни енгиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳаракат қилишлари керак.

Давлат ва хўжалик аппарати. Бу соҳани ҳам анчагина қайта қуришни амалга ошириш, унга, бизнинг назаримизда, аппаратнинг албатта вакиллик органлари ва жамоатчилик назорати остида бўлишини, унинг оқилона етарлилигини ва омилкорлигини, асосий тартиб-қоидаларнинг ошкоралигини, махфийлик чекланишини асос қилиб олиш зарур. Советларнинг янги состави сайланганидан кейин аппаратни янгилаш мақсадга мувофиқдир.

Одил судлов ва жамоат тартибини сақлаш. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўриш керак. Шахснинг кимлигидан қатъи назар, барчанинг қонунга риоя қилиши давлат органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг, мансабдор шахслар ва гражданлар хулқ-атворининг зарур қоидасига айланиши керак. Партия суд ва прокуратуранинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот кафиллари сифатидаги мустақиллигини янада мустаҳкамлашни ёқлайди.

Олдимизда **суд-ҳуқуқий ислоҳотни** амалга ошириш, энг аввало қонунбузарликнинг кучайиши тенденциясини тўхтатиш, жиноятчилар, ўғрилар ва қотиллар, порахўрлар ва давлат мулкини ўғирловчилар, таъмагирлар, пинҳона иқтисодиёт корчалонлари, чайқовчилар, зўрлик қилувчилар, безорилар муқаррар жазоланишини таъминлаш учун юксак самарали одил судловни вужудга келтириш соҳасида жуда катта ишлар турибди.

Биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар — судлар, прокуратура, тергов аппарати, милиция ходимларининг профессионал тайёргарлигини, нуфузини, моддий таъминотини анча кўтариш муҳим деб ҳисоблаймиз. Вазият айбсизлик презумпциясига, ҳимояланиш ҳуқуқига ва одил судлов қоидаларига қатъий амал қилиб, жиноятчиликка қарши курашда қонунда кўзда тутилган барча воситаларни қўллашни талаб қилмоқда.

Хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтиш, хусусан шартнома муносабатларини кенг жорий этиш давлат ҳакамлиги хизматини яхшилашни, халқ хўжалигини адлия кадрлари билан мустаҳкамлашни, аҳолига ҳуқуқий тарбия беришнинг бутун системасини қатъий такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Мудофаа. Бизнинг янгича фикрлашимиз мамлакат хавфсизлигини сиёсий воситалар билан таъминлаш мумкинлигини анча кенгайтирди. Бироқ ҳозирча дунё ҳарбийлаштирилган ва унда қуролли низолар чиқиши мумкин экан, уруш хавфи бартараф этилмаган экан — бизга ишончли мудофаа қобилияти керак.

Партия Ватан олдида жуда катта хизматлари бўлган армия ва флотимиз ҳозирги шароитда ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қила оладиган бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Бунинг учун янги мудофаа доктринаси ва оқилона етарлилик принципи асосида **ҳарбий ислоҳот** сари иш олиб бормоқ керак. Ҳарбий қурилиш сифат кўрсаткичларига қаратилганлиги сабабли кадрлар составининг профессионализмини бутун чоралар билан ошириб бориш, армиямиз билан ўз тақдирини боғлаган кишиларнинг шон-шараф кодексини унинг шонли анъаналарига муносиб даражага кўтариш керак. Партия ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб боришига, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари социал ҳимояланиши мустаҳкамланишига ва маиший шароитлари яхшиланишига эришиб бораверади.

Ҳуқуқий давлат мудофаа соҳасига амалий сиёсий раҳбарликни, ҳарбий маҳкаманинг олий ҳокимият органлари назорати остида бўлишини, айни вақтда давлатлар ўртасида эришилган ишонч даражасига мувофиқ равишда унинг фаолияти мумкин қадар ошкора бўлишини тақозо этади.

КПСС саноатнинг мудофаа тармоқларида тўпланган имкониятни граждан ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун сақлаб қолган ҳамда кўпайтирган, қуролли кучлар учун ишлаб чиқарилаётган техниканинг сифати пасайиб кетишига йўл қўймаган ҳолда мудофаа тармоқлари соҳасини ўзгартириш программасини қўллаб-қувватлайди.

Ички хавфсизлик. Давлат чегараларини қўриқлаш, чет эл разведкаларига қарши туриш, совет конституцион тузумини ва гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — шуларнинг барчаси мураккаб ва баъзан хавфли вазифани адо этаётган чегара ва ички қўшинлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш вазифасини зиммамизга юклайди. Ҳозирги шароитда жамоат тартибини сақлашнинг ҳаётий муҳим воситаси бўлиб қолаётган ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари фақат қонун доирасида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари назорати остида иш олиб боришлари зарур.

Ҳуқуқий давлат ва ўзини ўзи бошқарувчи жамият. Партия ҳуқуқий давлатни шакллантириш — нисбатан узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу жараёнда давлат органларининг тегишли структураси, қонунларнинг яхлит системаси вужудга келади, демократияга тажовуз қилишларга ва ўзбошимчаликка қайтиш йўлидаги уринишларга қарши кафолат бўлиб хизмат қиладиган анъаналар тўпланиб боради, деган фикрга асосланиб иш тутади. Ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида сиёсий маданиятни ривожлантириш жуда катта роль ўйнайди.

Барча ижтимоий жараёнлар қанчалик кўпроқ иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар билан тартибга солинса, давлатнинг мажбур қилиш усулларини қўллашга эҳтиёж аста-секин қисқариб борса, социализм ва демократия принциплари шунчалик аниқ ва пухта рўёбга чиқиши мумкин. Ўзини ўзи бошқарувчи жамиятнинг шаклланиши халқнинг жуда кучли ижодий қудратини очиш имкониятини беради.

СССРнинг янги Конституцияси тўғрисида. Жамиятимизнинг тубдан янгиланиши Совет давлатининг янги асосий Қонунини яратиш масаласини ўртага қўйди. Янги Конституцияни қабул қилиш ишини фаолроқ олиб бориш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

V. Янги федерация сари

КПССнинг ҳозирги босқичдаги миллий сиёсати. Қайта қуришнинг тақдири, мамлакатнинг келажаги миллатлараро муносабатлар қандай таркиб топишига жуда боғлиқдир.

Биз Октябрь туфайли мамлакатимиз ҳаётига кирган буюк ва муносиб ишларни — Россия империясининг мустамлака чекка ўлкалари ҳолатида бўлган кўпгина халқларнинг жипслашуви ва ўз давлатларига эга бўлишини, уларнинг қолоқлигига барҳам берилганлигини, миллатлараро алоқанинг янги қадриятларини, буюк жаҳоншумул давлатга тенг ҳуқуқли мансублик туйғусини йўққа чиқариш йўлидаги уринишларни қатъиян рад этамиз. Айни вақтда ленинча миллий сиёсатни бузиш кўп миллатли давлатимиз халқларига анча азоб-уқубат ва маҳрумликлар келтирди. Объектив кўчиб юриш ва демография жараёнларида ҳам жиддий муаммолар тўпланиб қолди.

Партия мана шу соҳада вужудга келган қийинчиликлардан қутулишнинг бош йўли иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни изчиллик билан амалга оширишдан, давлат тузилишининг сталинча, аслини олганда унитар моделидан қатъиян воз кечишдан, федерализм принципини тўла-тўкис ва изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат деб билади.

Миллатларнинг ривожланиши ва миллатлараро муносабатлар масалаларига бизнинг ёндашувимиз КПССнинг «Ҳозирги шароитда партиянинг миллий сиёсати» дастурида баён қилиб берилган. Бу дастурга қуйидаги муҳим принциплар асос бўлган: мамлакатнинг бутун территориясида ҳар қандай миллат гражданининг ҳуқуқларига ҳеч сўзсиз риоя қилиш: иттифоқдош республикалар мустақиллигини реал суратда бойитиш ва миллий автономия барча турлари мустақиллигининг янги даражасига эришиш; муштарак мақсадларга эришиш учун ўз ҳуқуқларининг бир қисмини ихтиёрий суратда Иттифоққа берадиган эркин ва тенг ҳуқуқли республикаларнинг федерацияси сифатида мамлакатнинг яхлитлигини сақлаб қолиш.

Миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши. Янгиланган совет федерациясида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши принципи миллий-давлат тузилмаларининг турмушни ташкил этиш шаклларини, давлат институтлари ва рамзларини танлаб олишда эркинликни тақозо этади. Бизнинг олий мақсадимиз бир хиллик эмас, балки хилма-хиллик орқали бирликка эришишдир.

Партия миллатларнинг ажралиб чиқишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг ленинча принципига содиқ эканлигини тасдиқлайди ва бу ҳуқуқни рўёбга чиқариш механизми ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишини ёқлайди. Айни вақтда биз ишонамизки, ўзаро хилма-хил ва бир-бирига ўтиб турувчи алоқаларнинг кучсизлантирилиши ва айниқса бузилиши барча халқлар учун олдиндан айтиб бериш қийин бўлган салбий оқибатларга олиб келган бўлур эди, одамларнинг тақдири ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу сабабли биз кўпмиллатли катта демократик давлатни бузишга олиб борадиган ажратувчилик шиорлари ва ҳаракатларига қатъиян қаршимиз.

Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар. Совет федерациясини ўзгартириш миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга, иттифоқдош республикалар билан уларнинг муштарак тузилмаси бўлмиш иттифоқ ўртасида оқилона алоқалар ўрнатишга қаратилмоғи керак.

КПСС иттифоқ тузилишининг шартнома принципини ривожлантириш зарур деб ҳисоблайди. Бундай қилиш юз берган катта ўзгаришларни акс эттириш, миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатларга доир муаммоларнинг бутун мажмуига янгича ёндашувларни гавдалантириш имконини берган бўлур эди. Аниқ белгилаб қўйилган вазифалар ихтиёрий суратда Иттифоққа берилганда иттифоқдош республикаларнинг мустақил давлатлар сифатидаги мавқеи кучайиб, конституцион кафолатларга эга бўлади.

Республикалар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмасалар уларнинг реал суверенитети ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ ҳозирги иқтисодиёт юқори даражада иш олиб борувчи марказсиз ишлай олмайди. Марказнинг федерацияга кирувчи республикалар, халқларнинг туб манфаатларидан фарқ қиладиган ўзига хос манфаатлари йўқ.

Бунда Иттифоқ билан республикаларнинг ҳуқуқ доиралари, шу жумладан планлаштириш, бюджетни шакллантириш, солиқ ва кредит ишидаги, нарх белгилаш соҳасидаги ҳуқуқ доираларини аниқ белгилаб қўйиш керак. Барча республикалар ва регионларнинг корхоналари ўртасидаги бевосита шартнома алоқалари, шаклланиб келаётган умумиттифоқ бозори интеграция жараёнларининг, федерациямизни янгилаш ва мустаҳкамлашнинг иқтисодий негизи бўлиши керак.

Республикаларнинг марказ билан муносабатлари ҳамда республикаларнинг ўзлари ўртасидаги муносабатлар улардан ҳар бирининг ўзига хос томонларини — географик ҳолатини, тарихий ривожланиш йўлларини, давлатнинг шаклланишини, мамлакатда таркиб топган ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашишининг ролини, иқтисодиётнинг характери ва даражасини, уларда яшаётган халқларнинг руҳияти ва урф-одатларини ҳисобга олмоғи керак.

Автоном тузилмаларни ривожлантириш. Совет федератив давлатини такомиллаштириш автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округларнинг суверенитетини мустаҳкамлашни, ҳуқуқларини кенгайтиришни, уларнинг иқтисодий, социал ва маданий ҳаётнинг йирик масалаларини мустақил ҳал қилиш имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Партия бунга ҳамиша эътибор билан қарайди.

Миллатларнинг ҳуқуқлари ва шахснинг ҳуқуқлари. Кўчиб юриш жараёнлари ҳамда аввалги тараққиётдаги бузилишлар натижасида айрим халқлар учун ўз тарихий ватанларида ўзига хос жиҳатлардан маҳрум бўлиш хавфи туғилди. Шу сабабли ҳар бир республиканинг она тилини, маданий-этник хусусиятларини ва миллий маънавий қадриятларини, турмуш укладининг ўзига хослигини, демографик структурасини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирлар адолатлидир.

Шу билан бирга бундай чора-тадбирлар республикада яшаётган бошқа миллат гражданларининг манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳисобидан амалга оширилмаслиги керак. Ирқчилик, шовинизм, миллатчилик социализм принципларига, мамлакат қонунларига ҳам, халқаро нормаларга ҳам зиддир. Бирорта ҳам халқ, у қанчалик оз сонли бўлмасин, ўз маданияти, тилини, ўзининг асрлар давомида таркиб топиб келган бетакрор қиёфаси ва хулқ-атворини йўқотмаслиги керак. Биз жам бўлиб яшаётган миллий гуруҳларга ўз ижтимоий, маърифий, диний ва бошқа уюшмаларини тузиш, маданий ва ахборот органлари, мактаблар, диний иншоотларга эга бўлиш имкониятини бериш тарафдоримиз.

Умумдавлат миқёсида кам сонли халқларга, уларнинг ўзига хос ҳаёти ва тараққиётига нисбатан алоҳида ғамхўрлик қилинмоғи керак.

КПСС — барча халқларнинг она тилидан эркин фойдаланиш, уни миллий — давлат автономияси доирасида давлат тили деб эълон қилишдан иборат шак-шубҳасиз ҳуқуқини ёқлайди. Рус тили умумдавлат эҳтиёжларини, шу жумладан Совет Иттифоқининг ташқи сиёсий фаолиятида ҳам эҳтиёжларни таъминламоқда, миллатлараро муомала воситаси бўлмоқда, унга мамлакатнинг бутун территориясида расмий тил мақомини бериш мақсадга мувофиқдир.

Байналмилалликка содиқ бўлган коммунистлар учун мамлакатдаги барча халқларнинг манфаатлари баб-баравар қадрлидир. Барча миллат кишиларини бирлаштирувчи партиянинг мавқеи ана шу сиёсий имкониятдан миллатлараро низолар ва тўқнашувларни бартараф этиш учун фойдаланиш имконини беради ва шундай фойдаланиш вазифасини юклайди. Биз ана шу йўсинда ҳаракат қилиш ниятидамиз.

VI. Инсониятнинг тинч ривожланиши сари

Янгича тафаккур, янгича ташқи сиёсат. Қайта қуришни бошлаб ва у туфайли жаҳондаги бутун вазиятда чуқур ўзгаришлар келтириб чиқариб, янгиланиш натижасида бизнинг давлатимиз қандай бўлишини белгилаб, биз инсоният олдида ўз зиммамизга жуда катта масъулият олдик. Бутун дунё XXI асрга қандай кириб бориши СССРдаги қайта қуришнинг муваффақиятига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштириш, жаҳон тараққиётида тинчлик даврига чиқиб олиш совет халқининг ҳаётий манфаатларига мос келади, қайта қуришнинг тараққий этишига ёрдам беради.

Янгича тафаккурга асосланган ташқи сиёсат ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар берди. Дунё тарафкашлик кишанларидан озод бўлиб бормоқда. Янги жаҳон сиёсатига муҳтож бўлган ҳозирги замон цивилизациясининг яхлитлиги равшанроқ бўлиб қолди. «Совуқ уруш» тўхтатилди. Жаҳон ҳарбий тўқнашуви хавфи чекинди. СССР билан АҚШ ўртасида янгича муносабатлар сари ижобий бурилиш юз берди. Амалий қуролсизланиш йўлидан дастлабки шаҳдам қадамлар қўйилди. Мулоқот, музокаралар халқаро муносабатларнинг устунлик қилувчи шаклига айланмоқда. Маҳаллий низоларни бартараф этишда сиёсий усуллар устун бўлиб қолмоқда.

Янгича тафаккур ва янгича ташқи сиёсат Совет Иттифоқини хавфсиз ҳамда маърифатли жаҳон тартиботини қуришнинг олдинги маррасига олиб чиқди. Биз ижтимоий-сиёсий йўлни эркин танлаш тарафдоримиз. Мана шу принцип манфаатлар мувозанати принципи билан бирга бошланиб келаётган давр учун универсал принцип бўлиб қолмоғи, уни зўравонликдан ва урушқоқлик тафаккуридан халос қилмоғи керак. Бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган ташқи сиёсий йўлимиз жаҳон мамлакатлари билан ўзаро манфаатли тенг ҳуқуқли алоқалар ва мулоқотларнинг кенг қамровли соҳаларини; иттифоқчи давлатлар ва ЎИЁКка аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликни янгилаш ва ривожлантиришни; Европада юз бераётган жараёнда, «Умумевропа хонадонини» қуришда ташаббускорлик билан иштирок этишни; Осиё-Тинч океан регионини тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш мақсадида бу ерда фаол иш олиб боришни; БМТнинг янги очилган имкониятларини рўёбга чиқаришда унга ҳар томонлама ёрдам беришни; маҳаллий низоларни сиёсий бартараф этишда «холис хизмат» қилишни; ташқаридан бўладиган ҳар қандай аралашишга қарши ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқлар ва давлатлар билан бирдамликни ўз ичига олади.

Жаҳон ҳамжамиятини ҳарбийсизлантириш мақсадида бизнинг йўлимиз қуйидагиларни назарда тутади: ядро қуролини батамом тақиқлаш ва босқичма-босқич тугатиш, ҳамма ерда уни синашни тўхтатиш; кимёвий қуролларни ва уларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ва тугатиш; ҳужумкор урушларнинг моддий имкониятларини бартараф этиш йўлидан бориб оддий қуроллар ва қуролли кучларни кескин қисқартириш; чет давлатларнинг барча қўшинларини бошқа давлатларнинг территорияларидан олиб чиқиб кетиш, у ерлардаги ҳарбий базаларни тугатиш; космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик; ҳарбий иттифоқларни (то улар тугатилгунига қадар) умумий хавфсизлик ва халқаро барқарорликка хизмат қилувчи мудофаа-сиёсий уюшмаларга айлантириш; ҳарбий бюджетларни кўп миқдорда қисқартириш ва ҳарбий саноатни тинч маҳсулот ишлаб чиқаришга кўчириш; ерда, денгизда, осмонда ва космосда ўзаро ошкоралик сари аста-секин яқинлашиб бориш; ҳарбий фаолиятни ҳамда шартномаларга риоя қилишни самарали назорат остига олиш.

Партия инсоният тараққиётида тарихан орқага буриб бўлмайдиган тинч даврга олиб борувчи ана шундай сиёсатгина Совет давлатининг ҳозирги вақтдаги ва келажакдаги ҳақиқий манфаатларига мос келишига қатъий ишонади.

Халқаро ҳамкорликнинг янги сифати сари. Халқлар яшаб келаётган давлатларнинг суверенитети шубҳасиз бўлгани ҳолда уларнинг тақдири ҳозир ҳар қачонгидан кўра маҳкамроқ чирмашиб кетган. Бу ҳол жаҳон сиёсати олдига шу пайтгача бўлганига қараганда мутлақо бошқача талаблар қўймоқда. Унинг амри инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал қилишда бутун дунё ҳамжамиятининг куч-ғайратларини бирлаштиришдан иборат бўлиб қолмоқда.

Давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билангина очлик, қашшоқлик, оммавий эпидемиялар, гиёҳвандлик, халқаро терроризмни енгиш, дунёнинг турли қисмлари ривожидаги тангликка олиб келувчи номутаносибликлар кучайишини тўхтатиш мумкин. Биргаликда ҳаракат қилиш билангина экология соҳасидаги ҳалокатнинг олдини олиш мумкин, бундай ҳалокатнинг даракчилари ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма қитъаларда кўриниб қолди. Фан-техника ҳамкорлиги йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, жаҳон хўжалигини ҳақиқатан ҳам жаҳон хўжалигига айлантиришгина цивилизациянинг тинч ривожланиши учун моддий пойдевор яратади. Янги даврнинг ана шу мақсадлари сари бориш халқаро ҳамкорликнинг мутлақо бошқа даражада бўлишини талаб қилмоқда. Бу соҳада БМТнинг роли беқиёсдир. Биз маҳаллий, қитъалараро, регионал, халқаро кўламдаги барча прогрессив ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Жаҳон ҳамжамиятининг яшаш қобилияти ривожланиш варианти кўплигидадир, у хилма-хил қиёфага: миллий, маънавий, ижтимоий, сиёсий, географик, маданий қиёфага эгалигидадир. Цивилизациянинг умумий тараққиёти оқимида — биз бунга аминмиз — социализм ғоялари қайтадан дунёга келади ва борган сари катта таъсирга эга бўлиб боради. Шарқий Европада юз бераётган мушкул воқеалар — улар ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига эга бўлишига қарамай — «совуқ уруш»нинг ғоят ноқулай шароитларида ҳамда миллий омилни етарли даражада ҳисобга олмасдан социализм учун курашда вужудга келган салбий тажрибани азоб билан, танглик билан бартараф этишдир.

Шарқий Европа давлатларида юз бераётган ўзгаришлар уларнинг халқларига бўлган дўстона муносабатларимизни буза олмайди. КПСС у ерда бошланган ислоҳотлар, СССРдаги қайта қуриш сингари, ихтиёрий ўзаро манфаатли алоқалар учун янада табиий ва мустаҳкам замин яратишига умид боғлайди.

КПСС коммунистик ва ишчи партиялари, социалистик ва социал демократик, либерал ва миллий демократик партиялар билан, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт заминида турган барча ташкилотлар ва ҳаракатлар билан **ҳамкорлик қилиш учун очиқдир.**

Қайта қуриш социалистик ҳаракатдаги тарихий ажралишни бартараф этиш, ҳозирги босқичда бу ҳаракатни жаҳоншумул ҳаракат сифатида қайта дунёга келтириш учун имконият яратиб берди. Янги дунё ва социал тараққиёт йўлларини излашда сўл кучларнинг жипслашиш истиқболи кўзга ташланмоқда ва КПСС буни маъқуллайди.

VII. Партияни янгилаш сари

Партиянинг ўзи тубдан қайта қурилмаса, у пешқадамлик позициясини сақлаб қола олмайди, ўзи бошлаган ва халқ қўллаб-қувватлаган ишни мана шу кескин бурилиш даврида давом эттира олмайди.

Авторитар режим партияга, унинг жамиятдаги ролига ва иш методларига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди. Ҳокимиятнинг аслида партиявий-давлат структураси таркиб топди. Партия ички турмушида бошланғич ташкилотлар билан раҳбар органлар ўртасидаги муносабатлар бузилди, коммунистлар партия сиёсатини шакллантиришдан четда қолишди, юқори партия комитетлари фаолиятига суст таъсир кўрсатишди. Ортиқча марказлаштириш, эркин фикрни бостириш, репрессиялар катта зарар келтирди. Ғоявий ва ахлоқий бузилиш ҳоллари партия обрўсига жуда катта зарар етказди.

Шундай бўлсада, кенг партия оммаси орасида ленинча буюк мақсадларга садоқат, беғаразлик, халққа хизмат қилишда фидокорлик сақланиб қолди. КПССда ҳамиша жўшқин кучлар бўлди ва иш олиб борди, худди шунинг учун ҳам у сталинчилик ва турғунлик ҳолатини бартараф эта олди, революцион бурилишга бошчилик қилди ва бу билан ўзининг етакчилик ролини бажариш қобилиятини яна бир бор исботлади.

Юзага келган вазифалар кўламининг кенглиги ва янгилиги КПССнинг жамиятдаги мавқеини принципиал ўзгартириш, айбсизлик даъвосидан, сиёсий монополизмдан воз кечиш зарурлиги ҳақидаги масалани жиддий қилиб қўйди. Бунда жамиятдаги ўзгаришлар суръати партияни ўзгартиришда жадал суръатлар бўлишини талаб қилмоқда — акс ҳолда у сиёсий ҳаёт чеккасига суриб қўйилиши хавфи остида қолади. Бу вазиятни партиявий омма жиддий тарзда англаб турибди: **партияни ислоҳ қилиш, уни чуқур қайта қуриш** масаласи тобора қатъий қилиб қўйилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий-сиёсий ташкилот, маслакдош коммунистларнинг кўнгилли иттифоқидир. Биз янгиланган КПССни социалистик йўлдаги партия деб тасаввур қиламизки, у ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалаб, ўз сиёсатини янги воқеликни илмий таҳлил қилиш асосида, XX асрдаги бутун ижтимоий тафаккур ва тарихий тажрибага татбиқан Маркс, Энгельс, Ленин меросини ижодий ривожлантирган тарзда қуради.

КПСС ўз назарияси ва практикасида Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг демократик ва инсонпарварлик анъаналарига таянади. Партия миллий ва байналмилал негизларни узвий равишда қўшиб олиб борар экан, шовинизмга, миллатчиликка ва ирқчиликка, реакцион идеология ва жаҳолатпарастликнинг бошқа ҳар қандай кўринишларига муросасиздир. У ўз ғоявий-сиёсий ва ташкилий асосларини рад этадиган, социализмга қарши, миллатчи, Советларга қарши ташкилотлар ва ҳаракатларда қатнашувчилардан ўз сафларини тозалайди.

Янгиланаётган жамиятда КПССнинг ўрни ва роли. КПСС демократик жараён доирасида ҳукмрон партия мавқеини сақлаб қолиш йўлида ўз сиёсатини ўтказади ва кураш олиб боради, марказда, республикаларда, жойларда раҳбар органларни тузиш учун халқ мандатини олиш йўлида сайловларда сайловчиларнинг овозини олишга ҳаракат қилади.

Бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар сингари КПСС давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашади, халқ депутатлари Советларига ва бошқа давлат органларига ўз вакилларини номзод қилиб кўрсатади. Партия давлат ҳокимияти ваколатларини ўз зиммасига олмайди. Унинг роли — афзалликларга ҳамда СССР Конституциясида ўзининг алоҳида мавқеининг мустаҳкамлаб қўйилишига даъво қилмаган ҳолда, коммунистлар орқали ҳаракат қилувчи, демократик асосда тан олинган сиёсий раҳбар бўлишдан иборат. Шу муносабат билан партия мамлакат Асосий қонунининг 6-моддаси юзасидан Қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ташаббуси тартибида СССР халқ депутатлари съездига тегишли таклиф киритиш зарур, деб ҳисоблайди.

КПСС марксизм-ленинизм принципларига асосланиб, омма орасида ғоявий-сиёсий иш олиб боради, ўз сиёсати ва программавий мақсадларини тарғиб қилади, социализмнинг инсонпарварлик қадриятларини ёяди, қайта қуриш вазифаларининг амалга оширилишини тарғиб қилади.

КПСС ўзига хос бўлмаган вазифалардан ҳоли бўлиб, ўз куч-ғайратларини назарияни, ҳаракат программаларини ишлаб чиқишга, ташкилотчилик ва тарбиявий ишга, кадрларга оид партия сиёсатини амалга оширишга, жамиятни революцион янгилаш йўлида уни жипслаштириш вазифаларини ҳал этишга қаратиш имконини олади.

(Давоми учинчи бетда).

ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ САРИ

(Давомн. Бошн биринчи ва иккинчи бетларда).

Унинг етакчилик ролининг асосий моҳияти ана шунда. СССР Конституцияси доирасида амал қилувчи барча ижтимоий-сиёсий ташкилотларга унинг янгича муносабати — мулоқот, мунозара, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари ҳам ана шунга бўйсундирилади.

Партия **касаба союзларни** мустақил жамоат ташкилоти деб билади. Унинг меҳнаткашлар манфаатлари йўлида, уларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида фаол иш олиб бориш иштиёқини қўллаб-қувватлайди.

КПСС **комсомол** билан ўз муносабатларини ғоявий бирлик, ўртоқларча ҳамкорлик ва алоқа асосида қуради, унинг ўз сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда бевосита иштирок этишидан манфаатдордир.

Партия мамлакатда **ошкораликни** қарор топтиришнинг ташаббускори бўлди. У ошкоралик жамоатчилик фикри шаклланишининг табиий муҳити, халқнинг сиёсатга бевосита таъсирининг ва гражданлар давлат билан жамиятнинг барча ишларида иштирок этишининг қудратли воситаси, қайта қуриш барқарорлиги ва жўшқинлигининг омили бўлиши учун бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилаверади. Жамият ҳаётида ва аввало, ошкораликни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг муҳим ролини ҳисобга олиб, партия уларнинг фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатади, уларга демократик асосда ўз ғоявий таъсирини ўтказади. КПСС сохта ахборотга, оммавий ахборот воситаларидан шахсий ва гуруҳларнинг ҳудбинлик манфаатлари йўлида, миллатлараро можароларни авж олдириш, инсонпарвар, демократик социализмга ёт ғояларни тарғиб қилиш учун фойдаланишга қарши кураш олиб боради.

Партиянинг жамиятдаги янгича ролини биз ана шундай тушунамиз. Лекин бу ҳамма нарса олдинданоқ равшан эканлигини билдирмайди. Ислоҳотни авж олдириш кўпгина конкрет масалаларга жавобларни аниқлаш имконини беради.

Партияни демократиялаштириш. КПСС янги шароитда жамиятдаги ўзгараётган ўз мавқеини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ролини самарали амалга ошира олиши учун нима қилиши керак, унинг структурасини қай тарика ўзгартириши керак?

Партияни ниҳоятда чуқур демократиялаштириш, партия оммасининг ҳокимияти унинг асоси бўлиб қолиши лозим.

Демократик централизм принципини ана шу нуқтаи назардан қайта идрок этиш, бу принципдан қуйи мансабдорнинг юқори мансабдорга босқичма-босқич бўйсунишидан иборат казарма интизомини ўрнатиш учун фойдаланиш имконини берувчи талқинни бартараф этиш керак. Акс ҳолда коммунистларнинг партия сиёсати ва фаолиятидаги ўз ролларидан қониқмаётганликларини бартараф этиб бўлмайди, уларнинг ҳар бирига ўз қадр-қиммати ва ички эркинлик туйғусини қайтариб бўлмайди.

КПСС партия ички мунозаралари ва қарорларни қабул қилиш тартиби чинакам демократизм руҳида бўлишига, чинакам партиявий ўртоқлик вазиятига муҳтождир. Партия барча органлари ишидаги коллегиалликни, фикрлар хилма-хиллигини, танқид эркинлигини, йўллар ва ҳаракат дастурларининг хилма-хиллигини, алоҳида ҳолларда референдумлар ўтказилишини, камчиликнинг кўпчилик қабул қилган қарорларни албатта бажаргани ҳолда ўз қарашларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини уставда гарантиялаб қўйиш керак. Демократик централизм принципининг янгиланиши ўз ички ташкилоти ва интизомига эга бўлган фракция тузилишининг олдини олиш имконини берувчи партия сафлари демократик бирлигини таъминлаши лозим.

Партиявий омма бевосита ролининг оширилиши партиянинг асоси бўлган **бошланғич ташкилотлар** ҳуқуқларини кенгайтиришни тақозо қилади. Улар жорий пайтдаги вазифаларни ва конкрет шароитларни ҳисобга олиб, ўз структураси, фаолият программаси ва шакллари, йиғилишларни, сиёсий тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва тартибига оид масалаларни ўзлари масъулият билан ҳал этиш, уларга юқори партия органлари, конференциялар ва съездларнинг ишига ва қарорларига реал таъсир кўрсатиш имконини берадиган қоидалар ва тартиблар асосида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Коммунистлар партия қурилишининг конкрет масалаларида бошланғич партия ташкилотлари мустақиллигини ошириш хусусида асосли фикрларни айтмоқдалар. Уларга партияга қабул қилиш, кандидатлик стажидан воз кечиш соҳасида узил-кесил ҳуқуқ бериш таклиф қилинмоқда. Ана шу ва бошқа масалалар коммунистларнинг кенг иштирокида муҳокама қилиниши, КПССнинг янги Уставини тайёрлаш вақтида ҳисобга олиниши лозим.

Территориал-ишлаб чиқариш принципини, яъни ишлаб чиқариш коллективларида ва бошқа коллективларда партия ташкилотлари сақлаб қолинишини тасдиқлаб, партия коммунистлар ана шу ташкилотларнинг ишларида, жамоат ташкилотларининг, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятида ўзларини кўрсатишлари тарафдори эканлигини таъкидлайди.

Партия пойдеворини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан унинг **район бўғини** ўйнайдиган муҳим ролга янгича назар ташланади, бу бўғин бошланғич партия ташкилотларининг ишида бевосита ёрдамчи бўлиб, одамларга, коммунистлар ва партиясизларга ҳаммадан яқинроқ туради. КПСС аъзолари билан ана шу бўғин ўртасида жонли алоқа системасини кўзда тутиш зарур.

Конференциялар ва съездларга **делегатлар** сайлаш муқобиллик асосида барча коммунистларнинг бевосита иштирокида ўтказилиши керак. Партия комитетларининг **биринчи секретарларини** йиғилишларда, конференцияларда ва съездларда муқобиллик асосида сайлаш хусусидаги таклиф қўллаб-қувватланиши керак, сайловнинг бундай тартиби уларни тегишли партия коллегияларидан устун қўймаслигини, назоратдан ва танқиддан холи қилмаслигини назарда тутиш лозим.

Съездолди мунозараси жараёнида сайлаб қўйиладиган барча партия органларининг роли, ҳуқуқлари ва вазифалари мундарижасини кенгайтириш масаласини муҳокама қилиш лозим. Сайлаб қўйиладиган органлар асосан мансаб принципига кўра тузиладиган тартибдан воз кечиш зарур. Бу гап КПСС Марказий Комитетига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Бунда бирдан-бир мезон — коммунистнинг сиёсий ва инсоний фазилатлари, унинг билимдонлигидир.

Иттифоқдош республикаларнинг коммунистик партиялари тўғрисида. Совет федерацияси ўзгартирилаётган шароитда иттифоқдош республикалар компартияларининг мустақиллиги масаласининг тўғри ҳал этилиши алоҳида сиёсий аҳамиятга эга. КПСС марказий органларининг уларга илгаригидек васийлик қилиши мақбул эмас. Республика компартияларн КПСС Программаси ва Уставига риоя қилиб, ўз программавий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ташкилий, кадрларга оид ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш, нашриётчилик фаолиятини олиб бориш, бутун партия турмушига оид принципиал масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Шу сабабли иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг раҳбарлари Устав асосида КПСС Марказий Комитети раҳбар органининг аъзолари бўлишлари лозим. Партия марказий раҳбар органларининг қарорларига рози бўлмаган тақдирда республика Компартиялари Марказий Комитетларига масалани КПСС Марказий Комитети Пленумида муҳокама қилишни талаб этиш ҳуқуқини бериш мумкин бўлур эди.

Ўлка, область ва округ партия комитетларининг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур. Барча даражадаги партия органлари ўз ишларини бошланғич партия ташкилотлари ва коммунистларнинг манфаатларидан келиб чиқиб қуришлари керак.

Байналмилал партиямизда демократик негизларнинг кенг ривожлантирилиши КПССнинг ихтиёрий ғоявий-сиёсий ва ташкилий бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериб, уни кўп миллатли жамиятда жипслаштирувчи сиёсий кучи ролини бажариши учун энг кўп имкониятни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитети тўғрисида. КПССнинг янги роли партиянинг назарий ва сиёсий имкониятини марказлаштириш керак бўлган коллектив раҳбар органи сифатида унинг Марказий Комитетига янги талаблар қўяди. Марказий Комитетнинг раҳбар органларига сайланган ўртоқларгина эмас, шу билан бирга ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари бўлган унинг бошқа аъзоларидан бир қисми ҳам бевосита Марказий Комитетда, унинг комиссияларида доимийлик асосида муайян муддат ишлаб, партия маблағларидан тегишли иш ҳақи олишлари мақсадга мувофиқдир.

Партия съездида КПСС Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш таклиф этилади. Марказий Комитетнинг мажлислари оралиғидаги даврда сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал этиш учун Марказий Комитет Пленумида Президиум сайлансин.

Марказий Комитетнинг доимий асосда ишлашини ташкил этиш учун бошқа обрўли коммунистлар иштирокида Марказий Комитет аъзоларидан тегишли комиссиялар тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу комиссияларга Марказий Комитет Пленумида сайланадиган КПСС Марказий Комитетининг секретарлари бошчилик қилиб, Раис ва унинг ўринбосарлари раҳбарлигида ишлаши лозим.

КПСС съездлари ўртасидаги даврда умумпартиявий конференцияларни мунтазам ўтказиб туриш ва уларга раҳбар органлар составини қайта сайлаш ҳуқуқини беришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Партияни демократиялаштириш барча раҳбар органлар составини мунтазам алмаштириб туришни тақозо этади.

КПСС съезди партиянинг Марказий контрол-ревизия органини сайлайди.

РСФСР коммунистлари, жамоатчилиги республика партия ташкилотлари фаолиятини пухтароқ мувофиқлаштириш ҳамда тегишли раҳбар органини тузиш таклифини фаол тарзда олға сурмоқдалар. Россия Федерацияси партия ташкилотларининг КПСС яхлитлиги ва бирлигини сақлашдаги муҳим ролини ҳисобга олиб, бу масалаларни РСФСРдаги бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар, район, округ, область ва ўлка партия конференциялари муҳокамасига қўйиш, уларни КПСС XXVIII съезди олдидан республика партия конференциясида ҳар томонлама кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Партия аппарати тўғрисида. Партия аппарати зарур ва у ўз структурасини такомиллаштиради, билимдонлигини оширади, бюрократизм кўринишларига барҳам беради. Унда ишлаш учун яхши тайёргарлик кўрган, билимдон, қобилиятли партия аъзоларини жалб қилиш имконини берадиган шароитларни яратиш керак. Аппарат ўз сони жиҳатидан энг мақбул бўлиши ва сайлаб қўйиладиган органларга қатъий бўйсуниши лозим.

Партиянинг оммавий ахборот органлари тўғрисида. КПСС марказдаги ва жойлардаги ўз ахборот органларини ўз сиёсати ва идеологиясини, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишини амалга оширишнинг муҳим воситаси, деб билади, уларнинг фаолиятини бошқариб туради.

Партия нашрларининг бош муҳаррирлари тегишли партия комитетларининг пленумларида тасдиқланиши мақсадга мувофиқдир; партия марказий оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирлари ва бошқа раҳбарлари КПСС Марказий Комитети Президиуми томонидан тасдиқланиши керак; партиянинг марказий органи бўлган «Правда» газетасининг бош муҳаррири КПСС Марказий Комитети Пленумида тасдиқланиши лозим.

КПССнинг бюджети тўғрисида. КПСС, унинг ташкилотлари ва партия комитетларининг бутун фаолияти бундан буён ҳам фақат партия даромадлари ҳисобидан пул ва моддий ресурслар билан таъминланиши керак. Партия ўз мулкига эга бўлиб, уни тасарруф қилади. Пул маблағларининг тўпланиши ва сарфланиши ошкора амалга оширилиши керак. Партия маблағларидан фойдаланиш масаларида партия ташкилотларининг мустақиллигини кенгайтириш зарур, бунда иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари, ўлка ва область партия ташкилотлари ўз бюджетларини ўзлари тасарруф қилишларидан келиб чиқилсин, улар ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши учун имкон берадиган даромадларнинг кўпайтирилишига эришсинлар, улар структура-штат ва молия масалаларини ҳал қиладилар, бошланғич ташкилотлар фаолиятини маблағ билан таъминлаш харажатларини белгилайдилар. Бошланғич партия ташкилотидан то КПСС Марказий Комитетигача бўлган барча даражалардаги партия бюджети маблағларининг сарфланиши устидан самарали ва ошкора назорат ҳам керак.

* * *

КПСС бундан буёнги бир неча йиллар мобайнида жамият қиёфасини белгилаши мумкин бўлган ҳаётий формаларга ҳозир асос солинаётганлигини англаган ҳолда ана шу ғоялар билан XXVIII съездини кутиб олмоқда.

Бу ерда баён қилинган қарашлар ва фикрлар матбуот саҳифаларида, коммунистларнинг нутқларида, партия йиғилишларининг резолюцияларида, КПСС Марказий Комитетига юборилган мактубларда муайян даражада ўз аксини топган. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари, СССР Халқ депутатларининг биринчи ва иккинчи Съездлари, СССР Олий Советининг сессиялари, ишчилар ва деҳқонлар, зиёлилар турли доираларининг вакиллари, ёшлар, ветеранлар билан учрашувлар мулоҳаза ва хулосалар учун бой материал берди.

КПСС Марказий Комитети умид қиладики, съездолди мунозаралари жараёнида коммунистлар ҳаракат дастурида баён қилинган муаммолар юзасидан ўз позицияларини белгилаб оладилар, бу мунозаранинг ўзи партия ишини янгилашнинг омили бўлади.

Биз партиясизларни, қайта қуриш шароитида партиянинг ролига бефарқ қарамайдиган барча кишиларни муҳокамада иштирок этишга таклиф қиламиз. Мулоҳазалар ва таклифлар билан бир қаторда муқобил лойиҳаларни ҳам кўриб чиқишга тайёрмиз. Партия ва халқнинг коллектив ақл-идроки — қайта қуришнинг қудратли омилидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

НОМЗОДЛАРИМИЗ

ЕТТИ ДАЪВОГАРДАН БИРИ

Техника фанлари доктори, профессор Тошпўлат Ширинқуловни фақат Самарқанд областида эмас, жумҳуриятимизда, ҳатто унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам яхши билишади. Олимнинг тупроқ механикаси ва пойдеворсозлик, иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги бўйича олиб борган тадқиқотлари, инженерлик конструкцияларини ҳисоблаш соҳасидаги янги усуллари мамлакатимизда бунёд этилаётган иншоотлар қурилишида қўлланиб, миллионлаб сўм иқтисодий фойда келтирмоқда.

33 ёшида докторлик диссертациясини ёқлаган истеъдодли олим ҳозир 52 ёшда, айни ижодий кучга тўлган, елиб-югуриб ишлайдиган палласида. Дарвоқе, ўзи ҳам шундай. Самарқанд меъморчилик ва қурилиш институтида «Материаллар қаршилиги» кафедрасига мудирлик қилиш билан бирга кенг миқёсдаги илмий-амалий фаолиятн орқали механика фанининг ривожи ва равнақига катта ҳисса қўшиб келмоқда. У тупроқ механикаси ва пойдеворсозлик бўйича халқаро ассоциация [марказн—Лондонда]нинг аъзоси, темир-бетон конструкциялар бўйича халқаро федерациянинг Узбекистон филиали раиси, СССР халқ таълимн комитети қошидаги қурилиш механикаси ва материаллар қаршилиги бўйича Урта Осиё, Қозоғистон олий ўқув юртлари методик кенгашининг раиси... Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тошпўлат ака ўз соҳасида мактаб яратган олимлардан. Унинг раҳбарлигида 20 дан знёд фан номзоди, 3 нафар фан доктори етишиб чиққан. Қатор-қатор илмий рисолалар, қўлланмалар, муаллифлик гувоҳномалари эл хизматида. Ана шулар туфайли бўлса керак ўтган йили Т. Ширинқулов Узбекистон ССР Фанлар академмяснининг мухбир аъзолигига сайланди, олимнинг илмий ва ижтимоий обрў-эътиборн яна бир бор тан олинди.

Т. Ширинқулов 303-Қўшработ сайлов округидан Узбекистон ССР халқ депутатлнгига номзод этиб рўйхатга олинди. Олимга билдирилган бу юксак ишонч сабаб у билан суҳбатлашдик.

— Сиз мураббий олим сифатида элга хизмат қилиб келасиз, бироқ халқ хизматида бўлишнинг бошқа жабҳаларини ҳам кечирганмисиз?

— Яъни, илгари ҳам депутат бўлганмисиз, демоқчисиз чоғи? Самарқанд шаҳар Советига бир неча бор сайланганман, депутатликнинг масъулиятини танамда синаб кўрганман, бироқ жумҳурият парламенти аъзолигига номзодлик тўғриси бўлакча ҳиссиёт қўзғар экан кишида. Менимча, бу ҳозирги пайтда депутатларнинг зиммасидаги вазифа турғунлик йилларидагидай хўжакўрсинга эмас, аниқ, жиддий эканлиги билан боғлиқ. Эндиликда депутат ҳақиқатан ҳам халқ хизматкори, халқнинг, сайловчиларининг номидан гапирадиган, масалалар қўядиган ишончли вакил бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда халқимизда ечимини кутаётган муаммолар тўпланиб қолган...

— Бу гаплардан кўринадики, сизнинг номзод сифатида мўлжаллаб қўйган муайян режаларингиз бор.

— Яқинда таниқли мусаввир Жавлон Умарбеков марказий газеталардан бирининг мухбири билан суҳбатда «Депутат сайловчилари яшаётган шароит муҳитига туша билса, ўзини шу ер фарзандидек ҳис эта олса, вазифалар оёғининг остидан чиқаверади», деган фикрни айтди. Менинг диққатимни тортган нарса фикрнинг тўғрилигигина эмас, менинг Қўшработ фарзанди эканлигим, шу элнинг кувончу дарди билан яшашим, ҳаёт ришталарининг чамбарчас боғлиқлиги бўлди.

Қўшработдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, элнинг нима билан нафас олиши менга аён. Сайлов округидан халқ депутатлигига 7 кишининг номзоди рўйхатга олинган. Ўйлайманки, менинг кўнглимдаги гапларнинг баъзилари уларни ҳам безовта қилса керак. Шунинг учун депутатлик мандати қайси биримизга насиб бўлса ҳам белни маҳкам боғлаб, долзарб муаммоларни ҳал этишнинг пайида бўлиш зарур.

— Қандай долзарб муаммоларни кўзда тутаяпсиз?

— Булар, энг аввало, аҳоли соғлиғини сақлаш масалалари, ишсизликни тугатиш, ҳар бир оиланинг маиший ҳолатини яхшилаш, экологик вазиятни мўътадиллаштириш. Бу умумий йўналишлар, албатта. Хусусан, гапирадиган бўлсак, Қўшработ райони тоғ ва тоғолди минтақасига жойлашган. Хўжалиги асосан чорвачилик, лалми деҳқончилик, узумчилик. Ҳозирги пайтда районда 5 мингдан знёд киши иш билан таъминланмаган. Булар учун иш ўринларн ташкил этиш керак. Район сарҳадида ишлаб турган геология экспедицияси ва маъдан қазиб олиш конидан бошқа саноат объекти йўқ. Енгил саноат корхоналари филиалларн ҳам йўқ даражада. Ваҳоланки, бизнинг юртда қизлар азалдан каштачилик, гилам тўқиш санъати билан ном чиқарганлар. Уларга ўз ҳунарларини элга кўрсатиш учун имкон яратилса ҳам давлат, ҳам чеварлар наф кўрарди. Районимизнинг бир неча жойидан шифобахш минерал сувлар чиққан. Бу ҳақда адашмасам, «Ёш ленинчи» газетасида мақола чиққан эди. Ана шу манбаларда санаторийлар очиш масаласини ҳам кўтариш керак. Геологлар бизнинг еримиздан нафақат олтин топишган, балки ғоят бебаҳо гранит тош конини ҳам аниқлашган. Маълумки, бундай гранитлар бизга асосан Украинадан келтирилади. Агар шу кондан фойдаланиш йўлга қўйилса эди,.. Хуллас гап кўп.

— Сиз олимсиз, дастурингизда бошқа номзодлардан фарқли режалар ҳам бордир!

— Тўғриси, бундай режа бор. Лекин у номзод бўлишимдан анча илгари туғилган. Биз ТошДУ биология факультети декани профессор Бакир Зарипов билан анчадан бери Қўшработда физика-математика ва кимё-биология фанлари чуқур ўтиладиган махсус мактаб-интернат ташкил этиш масаласида кенгашиб юрамиз. Бу хаёлий гап эмас. Районда 60 дан знёд мактаб бор. Улардан энг иқтидорли болаларни танлаб олинса (албатта ота-онасининг хоҳишига қараб), конкурс асосида малакали ўқитувчилар жалб этилса, уларнинг малакалари СамДУ ва ТошДУда ошириб турилса, бу имкондан хориж эмас. Истак, интилиш ва шижоат керак. Қайтадан ташкил топган бу районда янги мактаб ва интернатлар қуриш давлат планида ҳам бор. Шундай экан, илмий-педагогик йўсиндаги ёрдамлар изчил уюштирилса бас. Ҳозир шунинг батафсил режасини тузмоқдамиз.

— Билишимизча, бундай режаларни амалга ошириш учун жумҳурият халқ депутати деган юксак ваколатнинг ёрдами беқиёс бўлади. Маърифатнинг чин муҳибн бўлган қўшработликлар ўз имкониятларини қўлдан чиқармасликлари аниқ. Бироқ сайлов натижаларини олдиндан башорат қилиш қийин. Бир ўринга еттн номзод — кураш қизғин бўлишидан далолат. Бу сизни ози бўлса-да, чўчитмаяптими!

— Тўғри, сайлов натижалари ҳақида олдиндан бирор нарса дейиш мушкул, лекин шу нарса аниқки, халқ янглишмайди, энг муносиб номзодни танлайди. Ҳозир муқобил номзодлар ўртасидаги сайловолди кураши энг юқори чўққисига чиқди. Ҳар битта овоз учун беллашув кетмоқда. «Рақиб»лар ўртасидаги баҳс ҳалол, ошкора, пинҳона усуллардан ҳоли бўлмоғи шарт. Ана шунда халқ манфаати, кўпчиликнинг орзу-умидлари тантана қилади. Мен сайловчиларимга олтиндан тоғ ваъда қилмайман, аслида ўша олтин уларнинг оёғи остида ётибди. Мен бу ўринда она юрт, заминни назарда тутаяпман. Биз уни қадрлашимиз, ардоқлашимиз, яшнатишимиз керак. Токи у ҳам фарзандларидан кўнгли тўқ ота-онадай ҳаммамиздан ризо бўлсин. Бинобарин, туғилиб ўсган ерини ардоқламаган киши чин маънода ватанпарвар бўлолмайди. Ватанпарварлар эса маърифатли кишилардир.

Суҳбатдошлар:
Н. ШАКАРОВ,
А. УМАРОВ.

ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Сайлов кампанияси якунловчи босқичга қадам қўйди. 18 февралгача саноқли кунлар қолди. Шу куни ҳар бир сайловчи овоз бериш учун ажратилган бинога келиб, участка сайлов комиссияси аъзоларидан сайлов бюллетенларини олади.

Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат 7 дан 20 га қадар давом этади.

Ҳозирги сайлов кампанияси унча жўн эмас. У қайта қуриш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир даврда ўтмоқда ва республиканинг бутун тарихида энг муҳим сайлов кампанияларидан бири дир. Кампаниянинг босқичлари — номзодлар кўрсатиш, уларни муҳокама қилиш, позицияларни қиёслаш, овоз бериш — янги ҳуқуқий негизга асосланади.

Ўзбекистон ССРнинг миллионлаб гражданлари депутатликка номзодларнинг программаларини муҳокама қилиш чоғида ўткир, муросасиз баҳсларнинг, қизғин мунозараларнинг, фикрлар ва баҳолар тўқнашувларининг бевосита қатнашчилари ёки гувоҳлари бўлдилар.

Ўзбекистон ССР сайлов округларида республика халқ депутатлигига 1127 номзод, маҳаллий Советларга 86635 номзод рўйхатга олинди, кўпгина округларда иккитадан, учтадан ва ундан ҳам кўпроқ даъвогарлар бор.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳамда республика халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатлар сайлови бир кунда ўтказилиши муносабати билан сайлов участкасига келган ҳар бир сайловчи қаерда яшашига қараб учтадан тўрттагача сайлов бюллетени: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига доир оқ тусдаги сайлов бюллетени; область Советига сайловга доир яшил тусдаги сайлов бюллетени; район Советига сайловга доир кўк тусдаги сайлов бюллетени; шаҳар, посёлка, қишлоқ Советига сайловга доир оқ тусдаги сайлов бюллетенини олади.

Тошкент шаҳрида, шунингдек районларга ажратилмаган, областга бўйсунувчи шаҳарларда сайловчилар учтадан бюллетень оладилар. Қолган ҳамма сайловчилар тўрттадан бюллетень оладилар.

Сайлов тўғрисидаги қонунларда ҳар бир сайловчининг шахсан овоз бериши кўзда тутилган: бошқалар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайловчиларга участка сайлов комиссияси шу сайлов участкаси сайловчилари рўйхатига мувофиқ паспорт ёки бошқа шахсий гувоҳномани кўрсатган тақдирдагина сайлов бюллетенини беради.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўзи истиқомат қиладиган жойдаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, депутатликка номзодларга нисбатан бир тўхтамга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга солиб беркитиб, участка комиссиясига қолдириб кетиши мумкин. Сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчи сайловчилар рўйхатига имзо чекади.

Айрим сайловчилар саломатлигига қараб ёки бошқа сабаблар билан овоз бериш учун ажратилган бинога келолмаган тақдирда, уларнинг илтимосига мувофиқ участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига ана шу сайловчилар турадиган жойда овоз беришни ташкил қилишни топширади.

Бирор сабабга кўра сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва истиқомат жойини кўрсатувчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

Овоз берувчи киши сайлов бюллетенини яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради, яъни ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириб, ҳар бир бюллетенда фақат бир номзодни қолдириши керак. Бундай талабга риоя қилинмаган тақдирда сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб топилади ва сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ҳисобдан чиқариб юборилади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконияти бўлмаган сайловчи кабинага ёки хонага ўз хоҳиши билан сайлов комиссияси аъзоларидан бошқа исталган кишини таклиф қилишга ҳақлидир. Агар бюллетендаги депутатликка номзодларнинг барча фамилиялари ўчирилган бўлса, у ҳақиқий топилади ва сайловчи номзодларнинг ҳар бирига қарши овоз берган ҳисобланади. Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда гражданлар фамилиялари ёзилган бўлса бундай овозлар ҳисобга олинмайди.

Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш, округда сайлов натижаларини аниқлаш ҳамда сайловнинг умумий якунларини чиқариш чоғида меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишончли вакиллар, шунингдек матбуот, телевидение, радио вакиллари иштирок этиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шундай вакилларнинг ваколатлари тегишли ҳужжат ёки меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, истиқомат жойидаги сайловчилар қарори билан тасдиқланган бўлиши керак. Сайлов участкасига ўз вакилларини юбориш режаларини тегишли сайлов комиссиясига олдиндан хабар қилиб қўйиш зарур.

Қуйида сайлов бюллетенларини тўлдириш намуналари эълон қилинмоқда.

● НАМУНА

Ўзбекистон ССР халқ депутатини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

по выборам народного депутата Узбекской ССР

1990 йил 18 февраль

18 февраля 1990 года

305-Охунбобоев — сайлов округи

— избирательный округ №

Сиз қарши овоз берадиган депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилади.
Фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете, вычеркиваются

~~ОЛИМОВ Шариф~~

~~ВОСИКОВА Зулфия Аминовна~~

"Ўзбекистон" колхози, бош агроном, Найман қ.

Олтинкўл қишлоғи, 10-ўрта мактаб директори

ТОИРОВ Абдулҳай Иброҳимович

Охунбобоев номли совхоз бош инженери, Қумлоқ қ.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзод қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб топилади.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

РАҲБАРГА ҲАМ ОСОНМАС

Сирдарё — сертармоқ, аҳолиси кўп миллатли район. Бу ерда сўнгги йилларда анча ибратли ишлар қилинаяпти, меҳнат ютуқлари қўлга киритилмоқда. Ушбу рақамлар шундан далолат: беш йил муқаддам районда рентабеллик 17 фоизни ташкил этганди, бултур 32,4 фоизга, ялпи даромад 42 миллиондан 65 миллион сўмга етди. 1985 йилда салкам ўн миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилганди. Ўтган йили бунга 67 миллион сўм маблағ сарфланди.

Колхозлар ва совхозлар уч йилдан бери фойда кўришмоқда. «Малик», Ильич номли, «Ўзбекистон», Ленин номли, «Ленинград» сингари хўжаликларда айниқса ҳар йили катта даромад олинаяпти.

Район юксалиш йўлидан дадил одимлаётганлигини бултурги натижалар яққол тасдиқлайди. Асосий тармоқ — пахтачилик яхши якунланди. Давлатга 50 минг тоннадан зиёд сифатли хом ашё етказиб берилди. Деҳқончиликнинг бошқа соҳалари планлари ҳам ортиғи билан адо этилди, чорвачилик рентабеллиги ошди. Саноатда ҳам ижобий силжишлар бўлди.

Бу ҳаётбахш ўзгаришларда район партия комитетининг биринчи котиби Маҳмуджон Ибодуллаевнинг муносиб ҳиссаси бор. Зеро, меҳнат аҳлининг куч-ғайратини муштарак мақсад сари йўналтира билиш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш даставвал раҳбарнинг ишчанлигига, уддабуронлигига, ташкилотчилигига боғлиқ. Бизнингча, М. Ибодуллаевда шундай фазилатлар мужассам. Район меҳнаткашлари катта ишонч билдириб, уни 387-Сирдарё сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатишди.

— Агар депутатликка сайлансам, зиммадаги юмуш икки-уч ҳисса ортиши шубҳасиз, — дейди Маҳмуджон Абдуҳатович. — Ҳам район коммунистлари етакчиси, ҳам республика олий ҳокимияти вакили сифатида ишлашга тўғри келади.

Чиндан ҳам қилинадиган ишлар кўп. Бу депутатликка номзоднинг келгуси режаларида қай тарзда ўз ифодасини топган?

— Аҳолининг озиқ-овқатга талабини яхшироқ қондириш ишига ҳисса қўшиш ҳаракат дастуримнинг муҳим бандларидан бири ҳисобланади, — деб давом этади депутатликка номзод. —Аввал иқтисод, кейин сиёсат, деган гап бор. Ҳадеб гапираверган билан дастурхон қуруқ бўлса, бундан не фойда? Дўконлар бўш турса-ю фаровонликдан ваъз айтишса, одамларнинг энсаси қотади.

Районимиз хўжаликларида пахта яккаҳокимлигига барҳам бериб, мева-чева етиштириладиган майдонларни кенгайтираяпмиз. Ҳар қарич ердан оқилона фойдаланиш, гектарлар самарадорлигини ошириш асосий мақсадимиз.

Сабзавот ва полиз пайкаллари ҳажми оширилаётган, янги мевазорлар яратилаётган экан, етиштирилажак маҳсулотлар нобудгарчилигига йўл қўймаслик тадбирларини ҳам кўриш лозим. Ленин номли совхозда мева-сабзавот сақланадиган омбормузхоналар тўла қувват билан ишлаши таъминланади. Ҳар бир хўжаликда дала неъматларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар, цехлар қуриш мўлжалланмоқда.

Булар республика халқ депутатлигига номзод М. Ибодуллаевнинг қутлуғ режаларидан айримлари, холос. Шу кунларда район меҳнаткашлари билан бўлаётган учрашувларда унинг ҳаракат дастури кенг муҳокама қилинаяпти. Айни пайтда сайловчилардан талай таклифлар, накаслар тушаяпти. 47 миллат вакили яшайдиган районда ўзаро низоларга асло йўл қўймаслик, ҳар бир миллат ўз маданиятини, урф-одатини, анъаналарини ривож топтириши учун имконият яратилиши хусусида истаклар билдирилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, дала ва фермаларда ишлаётган хотин-қизларга қулай шароит яратиб бериш, гамхўрлик кўрсатиш каби долзарб вазифалар тилга олинаяпти. Район коммунистлари раҳбари Маҳмуджон Ибодуллаев бу юмушларни бажаришни ҳам бурч, ҳам шараф деб билади.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЧЎПОНОТА АФҒОНИ

Сўнгги пайтлар жумҳурият ва вилоят газеталари саҳифаларида ҳам, ойнаи жаҳону радио тўлқинларида ҳам етти иқлимга маълум ва машҳур Самарқанднинг Чўпонота қирларию воҳага ҳаёт бағишловчи Зарафшоннинг аламли фарёдлари тез-тез эшитиладиган бўлди. Уларни ўқиганда, кўрганда, тинглаганда изтироб чекади киши, дил ўртанади. Бирида тарихий обидалар йиғласа, бирида қуриб қовжираган дарахтлар, қақраган ариқлар, ташна гулзору хиёбонлар, кўкаламзорлаштириш майдончаларию ифлос кўчалар инграйди. Шаҳар айланиб, назар ташласангиз — бариси тўғри, баригинаси аччиқ ҳақиқат. Бундай ночор аҳвол қиш ва баҳор кезлари у қадар билинмаса ҳам иссиқ ёз ва куз ойлари шундоққина намоён бўлиб туради. Хўш, нега бундай? Бир вақтлар ер юзининг сайқали дейилган Самарқанди азим ва хушҳаво Зарафшон воҳаси, аждодлар муқаддас санаб келган кўркам Чўпонота қайси гуноҳлари учун бундай аҳволга тушиб қолишди? Ким қилди буни?

Анча бўлди. Икки самарқандлик — шоир Ҳуршид Даврон билан адиб Асад Дилмуродовларнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги бир мақолаларига кўзим тушди. «Самарқанд сайқали...» деб сарлавҳа қўйишибди-ю, ҳақиқий аҳволни куюниб ёзишибди улар. Баригинаси тўғри. Ҳа-да, тарихий обидаларнинг ҳозирги ҳолати, хусусан Руҳобод мақбараси атрофидаги ифлослик, Темур замонидагилари нари туриб, таъмирланган кошинларнинг чорак асрга чидамай тўкилиб бораётганлиги, салкам тўқай ҳолига тушган шоирлар боғи, опера ва балет театри рўпарасидаги «гулзор» қолдиқлари кимни изтиробга солмайди дейсиз! Вилоят «Ленинский путь» газетасининг кейинги сонларида босилган «Зарафшон хавф остида», «Яна Зарафшон ҳақида», «Самарқанднинг экологик муаммолари» ва бошқа қатор мақолалардаги гаплар-чи?

Тарихдан келадиган бўлсак, бир гапни билмасалар қадимги суғдлар бундан тўрт минг йиллар муқаддам худди шу ерни манзилгоҳ танлаб шаҳарга асос солармидилар? Қолаверса, Темурдек подшоҳ Самарқандни улкан мамлакатнинг пойтахти қилармиди? Заковатли олим Мирзо Улуғбек машҳур расадхона ва фалакиёт илми марказини Кўҳак (Чўпонота) тепалигида барпо этармиди? Буларнинг боиси, аввало, ширин ва шифобахш сувли Зарафшон дарёсию, шимоли-шарқ изғиринларини тўсиб турувчи кўркам Чўпонота қирлари эмасмикан? Ҳа, худди шундай. Чўпонота қирлари аслини олганда, бу машҳур шаҳарнинг тенги йўқ табиий обидаси, кўрки, ҳусн-латофати, бебаҳо бойлиги бўлиш билан бир қаторда уни изғиринлардан ҳимоя қилувчи мустаҳкам қалқони ҳамдир. Денгиз сатҳидан 826 метр баланд бу тоғчанинг зийнати Шимолий Кавказдаги Маъшуқ чўққисидан, Волгограддаги Мамаев қўрғони юксаклигидан, Ўш шаҳридаги Кўҳи Сулаймондан қолишмайди. Унинг қирларида туриб назар ташласангиз Самарқанд бутун борлиғи билан худди кафтдагидек кўриниб туради. Шунинг ўзиёқ Чўпонотанинг тенгсиз хислати, ахир!

Фақат шугина эмас. Чўпонотанинг ўзига хос иқлим шароити, ёқимли ҳавоси, нодир тошлари, ўсимлик дунёси ва буталари борки, улар бошқа жойларда учрамайди. Ҳар йили баҳор фасли, хусусан Наврўз кезлари Чўпонота кўм-кўк либосга бурканиб, шаҳар аҳлининг ажойиб сайлгоҳига айланади.

Эсингизда бўлса 1989 йилнинг 30 апрель ва 1 май кунлари қишдагидек қор ёғиб, кучли совуқлар бўлди. Ям-яшил дарахтлар ва гуллаётган ток новдалари, сабзавоту бошқа экинлар қовжиради. Аммо шаҳар кўчаларидаги дарахтлар, шунингдек Самарқанд ноҳиясидаги Энгельс номли, «Победа» колхозларининг Чўпонота қирлари ҳимоясидаги боғлари, токзорлари, анжирзору анорзорлари ва бошқа экинлари офатдан омон қолди, баракали ҳосил берди.

Ҳа, мана шундай фазилатлари учун ҳам аждодлар асрлар давомида Чўпонотани асраб, авайлаб, ардоқлаб, муқаддас сақлаб, қўриқлаб келдилар, унинг ҳуснига завол етказишни увол санадилар. Хўш, ҳозирчи?

Шундай бир ривоят бор. Мамлакат подшоси Чўпонота дараларини санаган одамга бир лаган олтин ваъда қилиб, жарчи қичқиртирибди. Аммо бу мураккаб ишни ҳеч ким уддалай олмабди. Алқисса, икки дўст ҳам кўп қатори омадларини синаб кўрмоқчи бўлибдилар. Эртадан кечгача дараларни қайта-қайта санасалар ҳам бари бир ҳисобдан адашаверибдилар. Кеч бўлибди.

— Кел, дўстим, дебди бири, — шаҳарга қайтиб ўтирмай, баланд. чўққида тунаб қоламизу эрта саҳар салқинда яна бир уриниб кўрамиз.

Йигитларнинг фақат бировида чопон бор экан. кечаси совқотгач, ўнг енгини бири, чап енгини иккинчиси кийибдию, ўралиб ётаверишибди. Чўпонота тоғининг бир дев қоровули бўларкан. Бир маҳал айланиб келиб қараса, бир ёқдан икки бош чиқиб ётибди. Шунда у ҳайратидан ёқасини ушлаб:

Ё Чўпонотани сесаду шасти се дара,
Ҳаргиз надидаам одами дусара!—дебди.
(Э, уч юз олтмиш уч дарали Чўпонота,
Икки бошли одамни ҳаргиз кўрмаган эдим).

Икки дўст буни эшитиб олишибдию, эрталаб подшонинг ҳузурига келишибди.

— Э, тақсир, Чўпонота тоғининг уч юз олтмиш уч дараси бор, — дейишибди.

— Қандай қилиб аниқладингизлар буни? — сўрабди подшо. Йигитлар бўлган воқеани сўзлаб берибдилар. Подшо «ҳалолингиз бўлсин» дебдию, ваъда қилинган олтинни инъом этибди.

Биргина шу ривоятнинг ўзи донишманд халқимиз Чўпонота тоғини нақадар юксак баҳолаб келганлигидан далолат эмасми? Эндиликда аждодларни нодон, ўзимизни доно ҳисоблаб шу қимматли табиий обида тақдирига зомин бўлмаяпмизми? Йўқ, оғайнилар, ҳали ҳам кеч эмас, кўзни каттароқ очайлик. Чўпонотада нималар бўлаяпти ўзи? Ўйламай-нетмай уни ғорат қилаяпмизку, ахир!

Элллигинчи йилларнинг охири ёки олтмишинчи йилларнинг бошлари эди. Бир журналда қизиқ мақола ўқиган эдим, мазмуни ҳамон эсимда. «Орол денгизининг суви таркибидаги тузлилик саккиздан 12 бирликка кўтарилди. Аҳвол шу зайл давом этавериб, бу рақам ўн саккизга кўтарилса, денгиз қурий бошлайди, балиқлар у ёқда турсин, сувда яшовчи барча тирик жон қирилади, Мўйноқ консерва комбинати хом ашёсиз қолади», дейилган эди. Узоқни кўра билган бир жонкуярнинг додига ўша пайтлар ҳеч ким қулоқ солмади. Аксинча, янги ерлар меъёридан зиёд ўзлаштираверилди, сув омборлари қурилаверди, каналлар қазилаверди, қарсаклар чалинаверди, тавсиялар кўпаяверди, илмий даражалар эгаллаверди, орденлар тақилаверди... Мана оқибати. Эсизгина Орол, қуриди, балиқ ва бошқа тирик жониворлар адою тамом бўлди, Мўйноқ консерва комбинати Узоқ Шарқ балиғига кўз тутиб қолди, кемалар қум барханлари орасида, сичқон ва каламушлар инига айланди. Бир вақтлар иқлими мусаффо бўлган Қорақалпоғистон, Хоразм, Шимолий Бухоро, Қозоғистон ерлари устига осмондан шўрхок ёғиладиган бўлди, «экология» дейилган совуқ сўз келиб чиқди, одамлар саломатлигига путур етди. Энг муҳими, қўлидан бирор иш келса-келмаса «во Орол» деб фарёд чекадиганлар кўпайди.

Йўқ, оғайнилар, энди ҳаммаси бекор! Уша пайтлар олди олинганида, ўйлаб иш қилинганида, самарасиз тавсияларнинг йўли тўсилганда бошқа гап эди. Эндиликда кўз ёшлари билан, миллионлар билан, Амударё ва Сирдарёни қайта-қайта ёқалаб югураверган билан Оролни яқин орада тўлдириб бўлмас. Ҳа, табиат мувозанатини бузавериш, ҳар бир минтақанинг ўзига хос қонуниятларини издан чиқараверишхайрли оқибатларга олиб келмайди. Ҳаммаси ҳам ўрни билан ўч олади.

Надоматлар бўлғайким, ҳозир Чўпонотага нисбатан ҳам худди ана шундай муносабат давом этмоқда.

Бизни кечирсинлару, мўътабар ташкилотларнинг раҳбарлари сўнгги йилларда Самарқандни ҳам, Чўпонота ва Зарафшонни ҳам бир қадар хароб қилдилар. Натижада уларнинг сайқаллиги, кўркамлиги, зилоллигига катта путур етди. Обираҳмат ариғини одамлар бошқачароқ атайдиган бўлдилар. Сиёбдан анқиётган қўланса ҳид ёз ойлари дам олувчиларни соҳиллардан, соя-салқин оромгоҳлардан қочиради. Раҳбарларимиз эса самарқандликман, шаҳримиз ундоқ, шаҳримиз бундоқ деб юравердилар.

Чўпонотани ғорат қилиш айниқса авж олди. Бир томонида темир йўл юк станцияси пайдо бўлди — ҳеч ким индамади. Қирлари поёнида пала-партиш бинолар, чорвачилик фермалари, ошхоналар, ресторанлар, қандайдир базалар қурилди — биров ғинг демади. Кўрдиларки, эга йўқ, баъзилар тағин ҳам юқорироққа ўрмалай бошладилар. Қирча, Конигил тепаликларида ресторанлар, аллақандай «дам олиш» жойлари пайдо бўлди. Билмадик, кимларга керак эди улар. Ҳаммадан қизиғи шуки, расадхонадан ўтгач, Тошкент йўлининг чап томонида чала ташланган бино пайдо бўлди. Нима бу?! Дафъатан тушуна олмайсиз. Холисона айтганда эса қурилишнинг ўрни эмас у ер. Аммо начора, мана бир неча йилдан буён қаққайиб турибди ўша совуқ кўланка.

Ҳа, яна шундай ривоят бор: қадим замонларда бир чўпон қирлар узра қўй боқиб юраркан. Дафъатан Самарқандга ёв босиб келибди. Қочишнинг иложи қолмагач, «душман қўлига асир тушгандан кўра ўзимни ҳам, қўйларимни ҳам тошга айлантир», дея илтижо қилибди у. Илтижоси амалга ошиб, чўпон ҳам, қўйлари ҳам қизил тошга айланиб қолибди. Шундан сўнг Кўҳак тоғини Чўпонота дейдиган бўлибдилар. Давр ўтиши билан Чўпон бобо ҳам, қўйлари ҳам синиб, майдаланиб кетибди. Шу боис аждодлар Чўпонота тошларини сира оёқости қилишмас ва муқаддас сақларканлар. Аслини олганда бу ривоят нодир табиий обидани эъзозлаш, асраб авайлаш мақсадида яратилмаганмикин?

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Самарқанд сайқали...» сарлавҳали мақола муаллифлари Чўпонотанинг, Самарқанднинг ҳуснига доғ бўлиб турган бу туркй совуқ харобага сарфланган маблағга ачинадилар. Аммо бизнингча, кўзни чирт юмиб, қир устидан уни тезроқ кўтарган, тамоман суриб ташлаган маъқул.

Йўқ, тўхтанг, у бу айтилганлар ҳали ҳеч гап эмас. Фожианинг каттаси баланд чўққининг шундоққина ортида. Уни кўриб димоғингиздан дуд чиқади. Эсиз Чўпонота қирлари! Бу қандай бедодлик, ахир! Самарқанднинг тенгсиз табиий обидаси, кўрки, қалқони, Наврўз фаслида хушҳаво, озода сайлгоҳи бўлган гўзал Чўпонотани шафқатсизларча тилка-пора қилмоқдалар: нодир тошларни катта-катта машиналар, ҳатто вагонларга юклаб аллақаёқларга ташиб кетмоқдалар. Бир томонда майдалаб қора мойга қориштирмоқдалар, отини «асфальт» қўйиб, кўчаларга, йўлакларга ётқизиш, оёқ ости қилиш учун жўнатмоқдалар. Кўплар уволдан қўрқмай ташиб бориб, ҳатто иморатлари пойдеворига ишлатмоқдалар (текинга олаётган бўлсалар керак уларни). Даҳшатхонага кираверишдаги дарвоза пештоқида «Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг Зарафшон карьери» деган ёзувга кўзингиз тушади. Ажабо, ҳайрон қолади киши: нима, Самарқанднинг эгаси йўқми? Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг Чўпонотани кемиришга, барбод этишга, нодир тошини вагон-вагон жўнатишга қандай ҳаққи бор? Ҳой, одамлар, бу қанақа бедодлик! Уларнинг қўлини ким ушлайди? Ким тўхтатади? Бошқа тоғ ёки қирларда қуриб кетибдими шунақа тош!

Ташийверсанг тоғ чидамас, дейдилар. Ҳа, йиллар ўтаверади, қирлар бирин-кетин емирилаверади. Бориб-бориб Самарқанд ажойиб безаги — Чўпонотадан жудо бўлади!

Азизлар, Самарқанднинг мўътабар раҳбарлари, қолаверса бутун жамоатчилик, Чўпонота қирлари илтижосига қулоқ солинг, ҳали ҳам кеч эмас, тўхтатинг уларни! Узоқни ўйлайлик. Табиат мувозанатини ҳадеб бузавермайлик. Қайта-қайта кўраяпмиз, пайти келиб, бу ҳам Оролдек ўч олмасин тағин. Жабрини ўшанда бугунги айбдорлар эмас, гуноҳсиз авлодлар тортадилар. Тош кондан кўтарилаётган чанг-тўзон ҳозир ҳам атрофга, қолаверса шаҳар ҳавосига муайян даражада салбий таъсир кўрсатаяпти-ку. Қўйинг, бундан минг йиллар сўнгги авлодлар ҳам Чўпонотани яхлитлигича кўришсин.

Ҳа, яна бир гап. Шахсий уйлар пойдеворига Чўпонота тошини ўйлаброқ ишлатсалар ёмон бўлмасди. Муқаддас обида, умумхалқ мулки дахлсизлигини бу қадар бузавериш, оёқости қилишнинг хосияти қанақайкин? Мана шундай муносабат туфайли Зарафшоннинг икки соҳилидаги тўқайзорларни, ҳайвонот дунёсини, булбул, тустовуқ, бедана, кўккарға, читтак каби нодир қушларни йўқотиб бўлдик. Тошқин дарё сувининг баракаси учди, ҳалоллиги қолмади. Офарин! Энди навбат Чўпонотага келдими? Кейинчи? Ҳа, Чўпонота сийнасига шу қадар кўп, шунчалик улкан жароҳатлар етказилдики, билмадик, энди уларга малҳам топиш, азалий ҳолига келтиришнинг илож топилармикин!

Дарвоқе, бу гаплар фақат энди айтилаётгани йўқ. Самарқанднинг ақли расо кишилари кўпдан буён Чўпонота тақдирини ўйлаб куюнадилар. Лекин уларнинг доди шамолли кун қичқириғидек зое кетаверади. Узоқ тарихини қўя турайлик. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг профессори Мардонқул Умаров бундан роса ўн беш йил муқаддам «Ленин йўли» газетасида (1975 йил, 14 апрель) Чўпонотани асраб авайлаш ҳақидаги масалани кўтариб чиқиб, кўпгина қимматли тавсияларни ўртага ташлаган эди. Унинг мақоласини кўпчилик қўллаб қувватлади ҳам. Хўш, амалда-чи? Географ олимнинг таклифу тавсиялари бир йил ўтмай унутилди. Аксинча, Чўпонотани оёқости қилиш, тошини кемириш тағин ҳам авж олди. Ҳалиги «карьер» дейилган «тош кон» кенгайди. Катта-катта машиналар етмагандек, ҳатто поездни бошлаб келдилар.

Марҳум академик Воҳид Абдулло (руҳига таъзим) мудом Чўпонота, Кўҳак, Обираҳмат, Зарафшон деб ўтди. Навоий, Бобур, Улуғбек ва бошқа улуғларнинг, Искандари Зулқарнайннинг бу табиий обида, унинг хислат-хусусияти ва латофати ҳақидаги қимматли фикрларини такрор-такрор айтиб юрди.

«Навоий, самарқандликлар Рўди Кўҳак (Кўҳак дарёси) деб аталмиш мана шу дарё ёнидаги Чўпонота тепаликларига хилма-хил хазиналарга бой «Жаҳон ганжи тилсимоти», деб таъриф беради.

Ҳам ул пуштаеким, Кўҳак топди исм,
Не пушта, жаҳон ганжи узра тилсим».

Муҳтарам устоз орамизда йўқ, лекин унинг таълимлари, писанда этган ўгит-насиҳатлари ҳамон ёдимизда. Аммо билмадик, Чўпон отани ғорат қилаётганлар бу ҳикматлар мазмунини тушунишармикин? Биргина 1989 йилнинг ўзида жумҳурият ва вилоят газеталари саҳифаларида Самарқанд, Чўпонота ва Зарафшон ҳақида қанча-қанча ҳасратли мақолалар босилди. Баригинаси қумга қуйилган сувдек сассиз сингиб кетди...

Айтаверсак, гап кўп. Бироқ такрор бўлса ҳам бир фикрни очиқроқ ва аччиқроқ қайта эслатиб ўтишга тўғри келади. Сўнгги чорак аср мобайнида Самарқанд вилояти табиатини, иқлимини, обидаларини муҳофаза қилиш, шунингдек ободончилик, озодалик, қурилиш-меъморчилик ишларига узоқни ўйламай ёндашилди. Тўғри, шу даврда содир бўлган кўпгина катта-катта ўзгаришлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Чунончи, шаҳар ва қишлоқларда ҳашаматли бинолар, янги турар жойлар, саноат корхоналари, маданий-маърифий муассасалар, ўқув юртлари қурилди. Аммо бирёқлама ҳайда-ҳайдачилик оқибатида одамлар учун энг зарур бўлган табиат мувозанатига анчагина путур етди. Мана, сарҳисоб қилинг: шаҳарни оралаб бешта катта ариқ оқарди, сув сероб эди. Ўшалар қани? Баригинаси йўқолди, гузарлардаги ҳовузлар кўмилди, оқар сув қуриди, оқибатда чанг-тўзон, ифлослик кўпайди. Саратон кирмай дарахтлар, гулзорлар сарғаядиган, қовжирайдиган бўлди. Беш ҳаёт манбаидан бирини тиклаш ниятида Максим Горький хиёбони бўйлаб катта бетон ариқ қазидилар — сув келтиролмадилар. Аслини олганда шу ариқларсиз Самарқандни тоза, озода, кўркам қилиш, қайтадан ер юзининг сайқалига айлантириш мумкин бўлармикин?

Қизиқ, ўтган йили шаҳарнинг нуфузли раҳбари катта бир йиғилишда шу масалага оид саволга жавоб бериб, «дарахтлар, гулзорлар, истироҳат боғи ва хиёбонларни суғориш учун бир нечта артезиан қудуқ қазишни режалаштирмоқдамиз» деди. Ана холос! Аввало қачон? Қолаверса ер остидан чиқадиган заҳобни Зарафшоннинг бақувват суви билан тенглаштириб бўладими? Ёки ҳали яқинларга қадар бутун воҳа, ҳатто Бухоро ҳам тошқин Зарафшондан ҳалол сув ичарди. Эндичи? Ана шундай эътиборсизликлар туфайли тарихий обидалар таъмирининг оҳори чорак асрга чидамай тўкила бошлади. Улуғ Жомий билан Навоий ҳайкали бир четга суриб қўйилди, янги турар жойлар, хусусан Суғдиёна даҳаси йўллари четига ўрнатилган бетон ариқлар оқар сув манбаларига уланмади, натижада кўкаламзор, гулзорлар барпо этиш учун ажратилган майдончалар ерқувурдан суғориладиган бўлди. Бундай пайтда юқори қаватдаги хонадонларга сув чиқмай қолди ва бошқалар.

Тўғри, булар дафъатан ва бирданига пайдо бўлгани йўқ, балки йиллар давомида йиғилавериб, тўпланавериб ниҳоят мушкул муаммога айланди. Энди сабабини ҳам, гуноҳкорини ҳам топиш осон эмас. Узоғини ўйламаслик, таваккалчилик шу даражага бориб етдики, ким нимани хоҳласа, нимани маъқул кўрса шуни қилиб кетаверди. Ниҳоят инсон тафаккурининг чироғини—азиз китобни эшакнинг оёғи остига қўйишгача бориб етдик. Ўзбек халқи оғзаки ижодиётининг ўлмас қаҳрамони, доно халқпарвар Хўжа Насриддин Афанди шаънига ҳақорат бўлди бу! Тўғри, латифаларда эшак Афандининг доимий ҳамроҳи. Лекин у эшагига ҳеч қачон отнинг эгарини босиб минганини ҳам ва уни қамчи билан ҳайдагани ҳам йўқ. Ўзбек таомилида эшакка тўқум ва халачўп жоиз. Энг муҳими табаррук китобни Афанди эшакнинг оёғи остига сира-сира раво кўрганмас. Начора, икки йил бурун Самарқанд меҳмонхонаси қаршисида худди ана шу мазмунни англатувчи ҳайкал пайдо бўлди. Эшак хумпарнинг ўтириши айниқса беҳаё. Ҳайкални ясаганлар балки тушунмагандирлар, аммо уни маъқуллаганлар, шу ерга ўрнатиш ҳақида фатво берганлар-чи? Узоқяқиндан келганлар нима дейишади бунга?

Муждалар бўлғайким, Самарқанд вилояти партия комитети ва вилоят ижроқўми сўнгги пайтларда табиатни, атроф муҳитини муҳофаза қилиш, хусусан Самарқандни обод, озода, тоза, кўркам шаҳарга айлантириш, унинг ҳуснини хира доғлардан тозалаш ишларига катта эътибор бермоқдалар. Бу хайрли ташаббус давом этаверса, эътиборсизлик йилларидан мерос қолган нуқсонлар ҳадемай барҳам топар, Чўпонота қирларини ғорат қилиш дарҳол тўхтатилар, ариқлардан яна сув шарқираб оқар, ободончилик ишлари муайян изга тушар, шулар қатори халқнинг севикли қаҳрамони Хўжа Насриддин Афанди ҳам оғир маломатдан қутулар, деган умиддамиз.

Аҳмад НАРЗИҚУЛОВ,
меҳнат ветерани, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Узайтирилган кун группалари мактабдаги таълим-тарбия ишларини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўқувчи дарс машғулотларидан ташқари вақтда ҳам муаллим ва тарбиячи назорати остида бўлади, тартибли дам олади, ўйнайди, овқатланади, уй вазифасини бажаради...

Тўрақўрғон районидаги 30-мактабнинг 2-«В» синф ўқувчилари учун барча шароитлар яратилган. Хонадаги жавонларда уларнинг ёшларига мос китоблар алоҳида-алоҳида териб қўйилган, деворларда болалар ёзувчиларининг суратлари осиғлиқ.

Бундан икки йил муқаддам Ставрополь давлат педагогика институтини тугатиб, шу ерга ишга келган тарбиячи Г. Дисамилова китоб танлашда болаларга яқиндан ёрдам беради.

А. ЧАПЛИГИНА олган суратда у ўқувчиларга рус совет адиблари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Она-диёр бўйлаб

КЎЛБУЛОҚ

Чотқол тоғ тизмаси ёнбағрисида, Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Кўлбулоқ сирга бой. Уни тарихий, геологик-жуғрофий жиҳатдан ўрганиш мутахассислар ўртасида катта қизиқиш уйғотади. Қадимги манзилгоҳда 20 метрли қудуқ ўйилганда 48 та маданий қатлам очилди. Бу мазкур жойда инсоният жамияти қай даражада тараққий қилганидан далолат беради. Қадимги одам тошдан ясаган нарсалар анчагина. Кесмаларда тўртламчи даврга оид археологик маълумотларга дуч келинди.

Кўлбулоқ амалий жиҳатдан ҳам қизиқарлидир. Ер ости сувида сероводород борлиги унинг даволаш моҳиятига ҳам молик эканидан далолат беради. Бу ернинг наботот олами бойлиги, булоқларининг сероблиги келгусида оромгоҳлар, саёҳат манзилгоҳлари барпо қилишга монанддир. Шундай экан, бу ажойиб ерни табиий ҳолда сақлаш чораларини кўриш лозим. Ҳозир эса куз ва баҳор ойларида ёғингарчилик оқибатида ҳосил бўладиган оқимлар тоғ бағирларида тўпланиб, Кўлбулоққа зарар етказмоқда. Чорва молларни тартибсиз равишда боқиш ҳам фойда ўрнига зиён келтирмоқда.

Бу ерда лаборатория тадқиқотлари ўтказиш учун унча катта бўлмаган бино барпо этилган. Аммо Кўлбулоқни вайрон бўлишдан сақлаш учун самарали чораларни тезроқ кўриш зарур. Унинг асосида очиқ майдонда музей ташкил этиш мумкин.

Г. ТЕТЮХИН,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси география бўлимининг атроф муҳитини муҳофаза қилиш лабораторияси катта илмий ходими, геология-минералогия фанлари доктори.

ФОРС ЛАТИФАЛАРИ

ҚУДУҚҚА ТУШГАН ЎҒРИ

Кунларнинг бирида мулла Насриддиннинг ўғли қудуқ бошига борди. Сув олаётиб, тубида ўз аксини кўриб ўйлади: «У ўғри бўлса керак». Дарҳол онаси ёнига келиб фикрини айтди-да, уни ҳам ўша ёққа бошлаб борди.

— Рост айтасан, болам, — деди онаси. — Ёнида аёл ҳам бор-ку!

ЎТКИР КЎЗ ВА ЭШИТАР ҚУЛОҚ

— Кўзимнинг нури шу қадар ўткир ва кучлики, — деб мақтанибди бир киши, —узоқдаги энг кичик нарсаларни ҳам илғайди. Масалан, шу ердан туриб, ҳов ана у мачит гумбази устидаги қумурсқа қайси йўлдан юришини бемалол айтиб бераман.

Буни эшитган бошқаси дебди:

— Биласанми, меники сеникичалик эмас. Аммо қулоғим яхши эшитади. Сен кўрган қумурсқанинг оёқ товушини айтиб беришга қодирман.

Форсчадан Т. НАФАСОВ таржимаси.

ХУШХАБАРЛАР

Олмалиқ химия заводининг 20 йиллиги шарафига асосий касб вакиллари — аппаратчилар ва операторлар орасида касб маҳорати конкурси ўтказилди. Ускуналарга хизмат кўрсатиш қоидаларига аниқ риоя этиш, операцияларни муайян вақтда бажариш — конкурс иштирокчиларига баҳо беришнинг асосий мезонларидир. Аммофос цехининг аппаратчиси Е. Яковлев ва оператор Л. Голубева ғолиб деб топилдилар. Бундай конкурслар ўтказиш корхонада анъана тусини олди.

* * *

«Узстройтрансремонт» Ангрен ишлаб чиқариш бирлашмасида саноат телевизион қурилмаси ишга туширилди. Корхонанинг барча асосий цехларида марказий диспетчер хонасидаги ягона пульт билан боғланган зангори экранлар порлаб, бу ердан технологик операциялар бажарилиши назорат қилиб турилади. Завод телевидениеси ёрдамида цехлардаги таъминот масалалари ўз вақтида ҳал этилмоқда.

* * *

Сирдарё областидаги Зомин райони марказида янги автовокзал ишлай бошлади. Бу муҳим воқеадир. Чунки ана шу хушманзара жойда кўпгина санаторий ва дам олиш уйлари жойлашган бўлиб, автобус қатнови — у ерга боришнинг ягона воситасидир. Автовокзал йўловчилар ташиш ҳажмини кўпайтириш, қўшимча равишда бир неча олис маршрутлар қатновини йўлга қўйиш имконини беради. Бу эса ана шу курорт зонани республиканинг бошқа шаҳарлари билан боғлайди.

(ЎзТАГ).

Спорт ахбороти

ФУТБОЛ

Таиланд пойтахти — Бангкокда ёшлар ўртасида халқаро мусобақа ўтаяпти. Унда совет терма командаси ҳам иштирок этмоқда. Мамлакатимиз футболчилари саралаш учрашувларини яхши якунлаб, ярим финалга йўлланма олган эдилар. Хитой терма командаси ҳал қилувчи матчда қатнашиш учун баҳсда уларнинг рақиби бўлди. Ватандошларимиз биринчи бўлимдаёқ олдинга чиқиб олдилар. Учрашув ҳаками ўйиннинг дастлабки қисми тугашини билдириб, хуштак чалганда улар рақибларини 2:0 ҳисобида ютаётган эдилар.

Иккинчи бўлимда ташаббус хитойлик чипор тўп усталари томонида бўлди. Улар битта жавоб тўпи киритиб, ҳисобни 1:2 қилдилар. Гарчи учрашувнинг қолган қисми қизғин ҳужумлар остида ўтган бўлса-да, лекин ҳисоб ўзгармади. Натижада футболчиларимиз финалга чиқдилар.

ХОККЕЙ

Шайбали хоккей бўйича СССР биринчилигида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувлардан сўнг уч команда ҳисобидаги очколар тенглашди. Булар мамлакатимизнинг кўп бор чемпиони — МАСК, «Динамо» (Москва) ва «Химик» (Воскресенск) коллективларидир. Мазкур клублар 38 тадан учрашув ўтказиб, 58 тадан очко жамғаришди.

Шуни таъкидлаш зарурки, воскресенсклик хоккейчилар кўп вақтдан бери олий лиганинг кучли ўн командаси ўртасида пешқадамлик қилиб келаётгандилар. Афсуски, улар кейинги тўрт учрашувни ниҳоятда ёмон ўтказишди. Натижада Москванинг икки командаси — МАСК ва «Динамо» уларга етиб олди.

Энди кўпчиликни «мазкур коллективлардан қайси бири чемпион бўлади?», — деган савол қизиқтирмоқда. Дарҳақиқат, олтин медаллар учун курашаётган ўн командадан фақат шуларнинг имконияти яхши. Негаки, улар бошқа клублардан анча илгарилаб кетдилар.

* * *

Тўпли хоккей бўйича СССР биринчилиги ҳам ҳар қачонгидан қизиқарли ўтаяпти. Спортнинг бу турида кейинги йилларда Красноярскнинг «Енисей» командаси якка ҳукмронлик қилиб, муттасил олтин медални қўлга киритаётган эди.

Бу йил эса аҳвол бутунлай бошқача. Бирданига бир неча команда олтин медалга даъвогар бўлиб турибди. Чунончи, Свердловскнинг АСК, Красноярскнинг «Енисей», Олмаота ва Москванинг «Динамо» коллективлари чемпион бўлиш учун курашмоқдалар. Улар бошқа клублардан анча илгарилаб кетишди. Мазкур коллективлар ҳисобида 25, 24, 23 тадан очко бор.

БАСКЕТБОЛ

Спортнинг бу тури бўйича мамлакат биринчилигида МАСК баскетболчилари карвонбошилик қилаяптилар. Улар навбатдаги икки учрашувни олмаоталик клубдошлари билан ўтказиб, яна зафар қучдилар. Москва динамочилари эса Донецкнинг «Шахтёр» клубини икки бор йирик ҳисобда мағлубиятга учратишди. Таллиннинг «Калев» ва Каунаснинг «Жальгирис» командалари ўртасидаги баҳсларда биринчи коллективнинг қўли баланд келди.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЁҚУБОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

15 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Давлат ва шахс.
12.00 «Диққат, божхона». Ҳужжатли телефильм.
12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Жадвал катталиклари ва такрорланувчи жараёнлар.
13.00 «Менинг ўрнимга от». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Хэлисхон Қодирова куйлайди». Фильм-концерт.
17.30 «Ўқитувчи экрани». Махсус мактабларда ўзбек тилини ўқитишнинг хусусиятлари.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч».
19.00 «Объективда — қайта қуриш». Ғиждувон ип-газлама фабрикаси коллективининг иши ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Кино усталари». Кинорежиссёр Малик Қаюмов.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Юртим васфи». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Реклама.
22.05 «Халқаро ҳаёт».
22.25 «Романтика» телетеатри. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 1-қисм.
23.55 Янгиликлар.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
10.05 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК—«Химик».
11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Солдат ёдномалари» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм.
17.00 Мультфильмлар.
17.30 «Сунжанинг ўзгинаси, дарёга ўхшайди». Грозний шаҳридан кўрсатилади.
18.00 Останкино концерт студиясида «Ишбилармон кишилар учрашуви». 2-кўрсатув.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.15 «Тулкивойнинг китоби». Мультфильм.
20.25 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси.
23.00 Консерваториянинг Катта зали. Миллий симфоник оркестрнинг концерти (АҚШ). Бадиий раҳбар ва бош дирижёр — М. Ростропович.
01.20 «Йўл». Катталар учун мультфильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ўткинчи музлоқ». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Адабиёт. 8-синф. Л. Н. Толстой. «Зиёфатдан сўнг».
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Адабиёт. 10-синф. Ф. М. Достоевский. «Жиноят ва жазо».
12.05 «Санкт-Петербургни излаб». Илмий-оммабоп фильм.
13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 9-серия.
14.10 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 Татаристон АССР Давлат телерадиоси. «Татаристон-90» (Қозон).
18.45 Халқ куйлари.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
22.45 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Бир кўришда севиб қолди» («Грузия-фильм» — «Ленфильм»).

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви ва «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси редакцияси коллективи СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси У. Юсуповга отаси

Исоқ ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Р—04088. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1133. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12